

# Маҳалла

47 (701)

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2009 йил 25 ноябрь. Чоршанба

ISSN 2010-7013

## БАҒРИКЕНГЛИК ВА САҲОВАТ ИФОДАСИ

**МУСТАҚИЛЛИК** йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизнинг неча минг йиллик аънана ва қадриятлари, урф-одатлари қайта тикланди

Миллий маънавиятимизнинг таркибий қисми бўлган муқаддас динимизнинг жамият ҳаётидаги ўрнини тиклаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар бунинг амалдаги ифодасидир. Зотан, ҳали собиқ мустабид тузум ҳукмронлиги пайтида 1991 йил 20 июнда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида»ги фармони эълон қилинган бу борада улкан қадам бўлган эди. Халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифода этган ушбу ҳужжатга биноан Қурбон ҳайити шундан буюн юртимизда ҳар йили кенг нишонланади.

**Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 19 ноябрда эълон қилинган «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 27 ноябрда юртимизда ушбу муборақ айём катта байрам қилинади. Меҳр-муруват, ўзаро ёрдам, саховат каби эзгу амаллар бажариладиган Қурбон ҳайитини кўтаринки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилмақда.**

сусан, 2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ҳам халқимизнинг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг халқаро эътирофидир.

Ислам дини инсонни эзгулик, тинчлик ва тотувликка чорлаб келди. Рухий поклашиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшаш сингари инсоний фазилатлар ислом динининг асосий мақсадларидан. Шу маънода, бугунги кунда динни ниқоб қилиб, ўзининг ғаразли ниётларини амалга оширишга уринаётган айрим кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари муқаддас ислом динининг ҳеч қандай таълимотига тўғри келмайди. Зотан, Юртбошимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асариде таъкидлаганидек, бундай ноҳўя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлиши, охир-оқибатда

Мамлакатимизда фуқаролар учун виждон ва эътиқод эркинлиги Конституция ва қонунлар билан муштаҳкамланган. Бош қомусимизнинг 31-моддасида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар бир инсон хоҳлагани динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга экани муштаҳкам белгилаб қўйилган. Конституцияимизнинг ушбу моддаси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлидаги муҳим тамойил бўлиб, айни пайтда жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги тинч-тотув ҳаётни, диний эркинликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур. Ислам динига оид бой маънавий-маданий меросни асраш, дёригимизда етишиб чиққан буюк алломалар асарларини тадқиқ қилиш, ёш авлодга етказиш, уларнинг юбилейларини нишонлаш, муқаддас динимиз номини пок сақлаш ёшларда турли таҳдидларга қарши туриш кўникмаларини тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Тошкент ислом институти, Тошкент ислом университетида ёшлар дунёвий, диний-маърифий фанлар бўйича сабоқ олмақда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Имом Бухорий халқаро маркази ислом дини тарихи ва фалсафаси, алломанинг илмий меросини халқаро миқёсда ўрганишга хизмат қилмоқда.

**КАДРИЯТЛАР КЎЗҒУСИ [3]**

### КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИ

## МУСТАҲКАМ ОИЛА — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Оиланинг муштаҳкамлиги ва тотувлиги ёш авлоднинг комил инсонлар бўлиб voyга етишида муҳим омилдир. Шу боис, мамлакатимизда оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш борасида бир қанча муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, фуқароларнинг оилада ва маҳаллаларда тинч-осойишта ҳамда ҳамжихат яшашларини таъминлаш, оилавий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хузурида Яраштириш комиссиялари ташкил этилгани юртимизда оила барқарорлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда мазкур комиссия аъзолари никоҳдан ажралишларга ва оилаларнинг барбод бўлишига йўл қўймастик йўлида самарали фаолият юритмоқда.



**КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН [6]**

### 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



## ИНСОН МАНФААТИ ВА ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ

Бир кунини бир гуруҳ ёшлар маҳалла идорасига кириб келишиб: «Тарихий музей қилмоқчимиз, йигиб қўйган буюмларимиз анчагина. Бобо, бувиларимиздан қолган қадимий буюмларни ҳам олиб келамиз, жой масаласида ёрдам берсангиз», дейишди. Бироз ўйлаб қолганимни кўриб, рози бўлмайдим, деган ҳаёлга бордим, бир сўзамоли: «Конституцияимизда халқнинг тарихий, маданий меросини авайлаб-асрашга ҳамма мажбурдир», деб ёзиб қўйилган. Демак, ёрдам бершингиз керак», деса бўладим!

**Конституцияимизнинг қимматли жиҳатидан яна бири шундаки, унда миллий қадриятларимиз, аънана ва урф-одатларимиз, адолат, ҳақиқат, имон, олийжаноблик, бағрикенглик, мардлик сингари юксак фазилатлар мужассам.**

нинг ҳар бир боби ҳақида ёшларга батафсил маълумот берилди. Маҳалламиз ҳудудда битта мактаб, учта шифохона жойлашган. Уларда «Конституцияимиз — бахтимиз», деб номланган хоналар ташкил этилган. Режа асосида Асосий қонунимизга бағишланган тадбирлар уюштирамиз. Уларда Бош қомусимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди, унинг инсонпарварлик тамойиллари асослангани, инсон кадр-қиммати улугланиб, барча ҳақ-ҳуқуқлари кафолатлангани алоҳида эътироф этиб борилди. Шўрки, бугун ана шу неъматлардан баҳраденг?

«Конституцияимизда ҳар бир шахс ўзи ва бошқалар билан бирга давлат органларига, муассасаларга ёки халқ вакилларига тақлиф билан муносабат қилиш ҳуқуқига эга. Улар белгиланган тартибда кўриб чиқилиши шарт», деб ёзиб қўйилган.

Уларнинг асосий қонунимизни бу қадар яхши билишлари-ю, унга меҳр ва эътиқод билан муносабатда бўлаётганликларидан бошим осмонга етди. Мақтаниб эмас-у, маҳалламизда ёшу қари, каттаю кичик Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти, ҳаётимиздаги ўрнидан яхши хабардоргина бўлиб қолмай, унинг аҳамиятини ҳам теран ҳис этиб яшайдилар. Масалан, бизга ўз масlahатлари билан доим ёрдам берадиган 80 ёшли Розия момо «Хукуматимиздан айланай, қариянда зорикмасин дея, нафақа беряпти. Ноғиронга ҳам, кам таъминланган оилага ҳам ҳаммаша ғамхўрлик кўрсатилляпти. Бу қонунларимизнинг адолатли эканидан, албатта», деб ҳар гапида тақрорлайди.

Маҳалламиздагиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишлари-ю, сиёсий саводхонликлари беҳиз эмас. Чунки бир неча йилдан буюн маҳалламизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш комиссияси фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, комиссия аъзолари таркибиде ўқитувчи-профессорлардан тортиб, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, депутатлар ҳам бор. Уларнинг аксарияти маҳалламизда истикомат қилишади. Улар иштирокида «Конституцияни ўрганамиз», «Хуқуқингизни биласизми?» мавзуларида суҳбатлар уюштириб борамиз. Бундай тадбирларда Конституция-

манд бўлиб яшаймиш. Масалан, ўзим ҳам қонунларимизда белгилаб қўйилган эътиқод эркинлигидан, муштаҳкам давлатимиз томонидан яратиб берилган шароитлардан фойдаланиб ҳаж зиёратига бориб келдим.

Конституцияимизнинг қимматли жиҳатидан яна бири шундаки, унда миллий қадриятларимиз, аънана ва урф-одатларимиз, адолат, ҳақиқат, имон, олийжаноблик, бағрикенглик, мардлик сингари юксак фазилатлар мужассам. Буни биз ҳар кун тадбирларимизда қайта-қайта тилга оламиз. Чунончи, «Конституция — бахтимиз Қомуси» мавзусида баҳс-мунозаралар ёшларда катта кизиқиш уйғотяпти. Буни тадбир иштирокчилари сонининг йилдан йилга ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Конституцияимизнинг 64-, 66-моддаларида: «Ота-оналар ўз фарзандларини voyга етганларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», «Vояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», деб белгилаб қўйилганлиги ҳар бир кишини тўлқинлантириб юборади. Бу — аслида, энг улуг инсоний фазилат, қадрият. Аммо унинг қонун орқали муштаҳкамлангани ҳар бир киши зиммасига улкан бurch ва масъулият юклайди. Қолаверса, бу муқаддас қадриятларимизнинг бардавонлиги демакдир. Бугун ана шу эзгу қадриятлар маҳалламиздаги ҳар бир ёш қарининг қалбидан ўрин олган. Буни ҳар бир оилада, маҳалладошлар билан ўзаро муносабатларда ҳис этамиш. Каттага ҳурмат, кичикка иззатни

қўрамит. Ҳар бир оила ўз фарзандининг тарбияси, тақдирига жиддий эътибор қаратаётгани қувонарли, албатта.

Асосий қонунимизни ўрганиш жараёнида аҳоли ўртасида меҳр-оқибат, қадр-қиммат, фахр-ифтихор тўйгулари янада шаклланимоқда, деса муболага бўлмайди. Конституцияимизнинг 63-моддасида: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир», дея эътироф этилган. Шу боис, оилалар муштаҳкамлига алоҳида эътибор қаратилляпти. Маҳалламизда кейинги йилларда ажралишлар сони даярли урагани йўқ. Ўзаро келишмовчиликлар пайдо бўлса, маҳалла фаоллари томонидан ҳал этилади. Айни кунларда маҳалламизда сай-

ловларга пухта тайёрларик кўриляётир. Бу борада аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилляпти. Маҳалламизда умргузаронлик қилаётган нуруний отахону онахонлар «Бугун биз қонунлар устуворлик қиладиган адолатли жамиятда яшаймиш. Чунки бизга сайловларда иштирок этиб, ўзимиз истаган номзодга овоз бериш ҳуқуқи берилди. Насиб этса, бу йилги сайловларда фаол иштирок этиб, элу халққа фойдаси тегадиган кишиларни депутатликка сайлаймиш», дейишмоқда.

**Файлullo ОТАБОЕВ,**  
Қарши шаҳридаги «Роғузар» маҳалла фуқаролар йигини раиси.

### КЎРИК-ТАНЛОВ



## «МАҲАЛЛАМ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМАН»

**ГУЛИСТОН ВА БУХОРО ШАҲАРЛАРИДА** «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида бўлиб ўтган ана шу мавзудаги кўрик-танловнинг республика минтақавий босқичи том маънода ёшлар сайлига айланади кетди

Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб ўсган шаҳри, қишлоғи, маҳалласи, хулласи калом, Ватани тарихини билишни истаиди. Шу маънода маҳаллада ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, улғаяётган ёшлар шуурида ватанпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улугвор фазилатларни шаклланти-

риш ўта долзарб масалалардан бири саналади.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар моҳиятини, ҳудудларимизнинг ўзига хос турмуш тарзи ва барҳаёт меросларимизни тарғиб-ташвиқ этиш борасида мамлакатимизда ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

**ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР [8]**



# САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, сайловлар орқали мамлакат фуқароларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги фаоллиги, аниқроғи, халқ вакилларининг юртимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги кенг иштироки таъминланади. Бу эса халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлигининг ифодасидир.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ва сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда, участка сайлов комиссиялари ваколатларини амалга оширишда сайлов участкаси муҳим бўлган ҳисобланади. Участка фуқароларга тегишли маълумотларни етказиш, сайлаш ҳуқуқига эга аҳолининг овоз бериш жараёнларида иштирок этишини, овозларни ҳисоблаб чиқини таъминлаш мақсадида ташкил қилинадиган ҳудудий бирлик бўлиб, сайловчилар билан ишлайдиган асосий тузилма ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида сайлов участкасини тузиш тартиби ва нормаси аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган

ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Чунки овоз беришда сайловчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш кўп жиҳатдан участка жойлашган жойга боғлиқ бўлиб, буни инобатга олган ҳолда ташкилий ишларга ёндашиш жоиз. Сайлов участкаларининг қулай ҳудудда жойлашиши нафақат овоз бериш кунинда, балки бутун сайлов жараёнида фуқароларнинг у ерга бориб, янгиликлар билан танишиши учун қулайлик яратди. Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги ва бир участка ҳудуди бир туман ёки шаҳар ҳудуди билан мос тушиши талаб этилади.

Маъмурий ҳудудлардан ташқари, сайлов участкалари ҳарбий қисмлар ҳам тузилади ва ҳарбий қисм жойлашган жойдаги сайлов округига кирилади. Қонунда бундай қонданнинг белгиланиши ҳарбийлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятга эга эканлигидан келиб чиққан бўлиб, уларга бевосита хизмат ҳудудда овоз бериш имкониятини таъминлайди.

Шунингдек, қонунда қуйидаги сайлов участкаларининг тузилиши мумкинлиги ҳам мустаҳкамланган:

— Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари (элчихона, консуллик хизмати) ҳузурда тузиладиган сайлов участкалари;

— санаторий ва дам олиш уйларида, шифохоналар ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида тузиладиган сайлов участкалари;

— олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда тузиладиган сайлов участкалари.

Қонунчиликда бундай меъёрларнинг мавжудлиги турли сабабларга кўра (хизмат сафари, бетоблик ва ҳоказо) яшаш жойида бўлмаган ёки олис, бориш қийин бўлган жойлардаги фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади ҳамда уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини таъминлайди.

Участка қайси сайлов округига жойлашган бўлса, шу округ таркибига кирилади. Улар туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмлардаги сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командириларнинг тақдимномасига мувофиқ округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Республиканинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов участкалари тузилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун эса "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига кўра сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига, ҳарбий қисмларда ҳарбий

қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командириларнинг тақдимномасига биноан туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловини ўтказиш мақсадида ташкил этилган сайлов участкалари камидан йигирма нафар ва кўпи билан уч миң нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Сайлов участкасида:

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, "Сийёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонунлар, Марказий сайлов комиссиясининг участка сайлов комиссиялари фаолиятига доир қарорлари, йўриқномалари, низоомлари;

— Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари, сайловларни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар, плакатлар;

— участка сайлов комиссиясининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жаadwal;

— сайловчилар рўйхатлари (сайловга 15 кун қолганда ҳаммага таъиниб чиқиш учун тақдим этилади);

— овоз бериш хоналари ёки кабиналари, сайлов қутилари;

— оналар ва болалар хонаси;

— сайлов қунига қадар алоҳида жиҳозланган ва мутахассис билан таъминланган тиббий ёрдам хонаси бўлиши лозим.

Айтиш жоизки, мазкур ижтимоий-сиёсий жараёнда ошкораликни таъминлаш сайлов участкалари зиммасига катта масъулият юклайди. Қолаверса, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тadbирларда, шунингдек, овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сийёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мухтасар қилиб айтганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайлов ташкил этиладиган ва ўтказиладиган сайлов участкалари ҳудудида амалга ошириладиган фаолият тегишли ҳуқуқий база асосида тартибга солинган. Сайлов участкасида доир ҳуқуқий-меъёрий база энг демократик тамойиллар асосида мукамал ишлаб чиқилган сайловга доир муносабатларни аниқ ва тизимли ташкиллаштиришда асқатади.

Нодир МУХТОРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузурдаги Амалдаги  
қонун ҳужжатлари мониторинги  
институтини етакчи илмий ходими.

## САРҲИСОБ

### УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви Раёсат йиғилишида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури бўйича ўтган тўққиз ой мобайнида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилиши «Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи А.Келимбетова очиб, жамғарманинг шаҳар ва туман бўлиналари томонидан Давлат дастурининг ижроси бўйича бир қатор хайрли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Жумладан, ўтган давр мобайнида ўтказилган хайрия ҳашарлари 33 миллион кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилаларга 17 миллион, маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш ишларига 86 миллион, турли тadbирлар, спорт мусобақалари, кўрик-танловлари ўтказишга 12 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

Шунингдек, йиғилишида белги-ланган вазифалар ижросини таъминлаш бўлими мутахассислари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар, бажарилмаган ишлар ҳам танқидий рўнда таҳлил этилди.

Раёсат йиғилишида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Кониқбой РЕЙМОВ,  
«Mahalla» мухбири.

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

### ХАЙРЛИ ЮМУШЛАР

«Маҳалла» жамғармасининг республика бошқаруви, ҳудудий бўлими ва бўлиналарининг ташаббуси билан барча фуқаролар йиғинларида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга, юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган ўнлаб кўрик-танлов, мусобақа ва бошқа тadbирлар ўтказилди.

Хусусан, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Тахтапўл» маҳалласида амалга оширилаётган ишлар диққатга молик. Бу масканда ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини шифокорлар иштирокида турли мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш анъанасига айланган. Бундан ташқари ҳудуддаги 42-оилавий поликлиника ҳамширалари маҳалладаги ҳар бир хонадонда бўлиб, аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатилган.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ёшларни тозалашка, озодалликка ўргатиш мақсадида ташкил қилинган бундай ишлардан аҳоли мамнун, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси З.Тўхтамаметова. — Негаки, бу саъй-ҳаракатлардан сўнг ҳар бир хонадон озодалликка, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини яхшилашга риоя қила бошладилар. Маҳаллада ҳазон ёқиш одати-га барҳам берилди. Чиқиндилар белгиланган жойга ташлашини таъминлади.

Маҳаллада олиб борилаётган бундай кенг қўламли ишларни кўриб, дилингиз қувнади. Зеро, озодаллик, орасталлик бор жойда кут-барақа бўлади, соғлом муҳит шаклланади. Бу эса ўсиб келаётган келажак авлод саломатлигининг шартидир.

Фазилат МУҲАММАДИЕВА

## ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ

### ПИШГАН ФИШТДАН ПИШИҚ ҚУРИЛАР УЙЛАР

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ва фаровонлиги йилида Юртбошимизнинг ташаббуси билан қишлоқ жойларда экспериментал лойиҳалар асосида янги замонавий шаҳарчалар барпо этила бошланди. Шаҳарда-гидек барча шарт-шароитларга эга бўлган уйларнинг қурилиши учун давлатимиз томонидан имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Олтинкўл тумани марказига кираверишда вилоятдаги экспериментал лойиҳа асосида қурилаётган шаҳарчалардан бири бунёд этилмоқда. Бу ерда ҳар бири 4 сотих келадиغان майдонда 6 та тўрт ва 14 та уч хонали замонавий уйлар қад кўтармоқда.

— Менинг аждодларим ҳозиргача гуваладан ёки пахсадан қилинган уйларда яшаб ўтганлар, — дейди ана шу янги уйлардан бирининг эгаси муаллима Гуландом Усмонова. — Бизнинг уйларимиз ҳам замонавий бўлгани билан унчалик пишиқ эмас. Узоқни кўрган Юртбошимиз энди пишиқ гиштдан, барча қулайликларга эга бўлган уйлар қуриш кераклигини айтиди. Бу уйларимиз 3-4 авлодга бемалол хизмат қила олади.

Дарҳақиқат, янги уйларда қозонхона, ҳоҳатхона, ҳаммом, ошхона, иссиқ сув бўлади. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси бор, ташқарида чорва ҳайвонлари учун қўшимча бинолар ва айвонча ҳам бўлади. Уч хонали уйнинг нархи, тахминан 53 миллион сўм бўлиб, уй эгаси ишларнинг бошланғичида 25 фоизини тўлаб қўйди. Қолганини «Қишлоқ қурилиш банки» берган кредит ҳисобига 15 йил давомида эъди.

Янги шаҳарча қурилишига «Қишлоқ қурилиш инвест» шўъба корхонаси буюртмачилик қилмоқда. Шаҳрихонда ташкил топган иштирослашган «Воҳа қурилиш» мажус қурилиш ташкилоти бош пудратчи бўлиб, барча ишларнинг юқори сифат билан бажарилиши ўз зиммасига олган. Шу кунларда янги уйларнинг деворлари тикланиб, том ёпиш ишларига киришилмоқда.

— Янги уйларнинг қурилишини бошлаганимизга бир ой ҳам бўлгани йўқ, — дейди «Воҳа қурилиш» ташкилотининг раҳбари Алишер Қамбаров, — жамоамизга ил-

гари саноат корхоналари, коллежалар, қурилишларда меҳнат қилиб, катта тажриба орттирган мутахассисларни жалб қилганмиз. Улар барча ишларни аъло даражада ба-жара оладилар.

Дарҳақиқат, замонавий шаҳарча қурилишида бугун 200 нафарга яқин қурувчилар, ундан ортиқ мажус техника воситалари икки сме-нада иш олиб бормоқда. Уйларга бира тўла электр, газ, сув олиб киришда қурувчиларга ана шу соҳаларнинг мутахассислари ёрдам бермоқдалар. Шаҳарчанинг муҳандислик коммуникацияларини яратишда 5 дан ортиқ ёрдамчи ташкилотларнинг жамоалари иштирок этмоқда.

Фишт терувчилар Ўқтамжон Акбаров, Каримжон Умрзоқов, бетончилар Адхамжон Маматқулов, Эгамберди Фуломқодиров, пайвандчи Илҳомжон Мамажоновлар қурилишнинг биринчи кунлариданоқ пешқадамликни кўлдан бермаптилар. Буюртмачи «Қишлоқ қурилиш инвест» ташкилоти қурувчиларга ойлик маошларининг ўз вақтида берилиши-ни таъминламоқда. Уч маҳал иссиқ овқат, ётоқ жойлар, дам олиш хоналари ташкил этилган.

— Шаҳарча қурилишида барча ишларининг боришини назорат қилувчи штаб ташкил этилди, — дейди Олтинкўл тумани ҳокимлиги қурилиш бўлимининг мутахассиси Қодиржон Усмонов. — Штаб йиғилишларида барча муаммолар ҳал этилмоқда. Аниқ ҳисоб-китобларимизга қараганда, янги уйлар 28 декабрга фойдаланишга топширилади, демек, янги 2010 йил тантаналари янги шаҳарчада уй тўйлари билан қўшиб ўтказилади.

Кейин эса катта йўлнинг бўйига икки қаватли кotteжлар қурмоқчимиз. Сўнгра янги шаҳарча инфра-тузилмасини яратишга киришамиз. Янги савдо, маиший хизмат соҳобчалари, мактабгача тарбия муассасалари, тиббиёт масканлари бунёд этилади.

Бугунги кунда мана шундай замонавий турар жойлардан иборат шаҳарчалар Андижон, Асака ва Шаҳрихон туманларида ҳам қурилмоқда.

Мухбиримиз



### ҚУЛАЙЛИК ИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ

Юртимизда бири-бирдан гўзал иншоотлар, спорт мажмуалари, савдо соҳобчалари сони йилдан-йилга ортиб борапти. Бунёд этилаётган мажмуалар замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Хусусан, пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Кўргонтепа» маҳалласида қад ростлаётган маҳобатли бинолар ҳам ўзининг шакл-шароити, қулайликлари билан ажралиб туради. Биргина туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, хомий ташкилотлар, тadbиркорлар, фаоллар ёрдамида бунёд этилган

«Маҳалла маркази»да ҳам ходимларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Марказ фуқароларнинг мушкуллари осон қилиш, муаммолари, бошлаган хайрли ишларига кўмаклашиш, оилалар осойишталиги, саломатликларини тиклашга ёрдам бериш, хонадонларда соғлом маънавий муҳитни қарор топ-тириш мақсадида бунёд этилган, — дейди маҳалла оқсоқоли Махмуд Дехқон. — Мажмуа атрофида жойлашган 74-мактаб, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

қошидаги академик лицейи, Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи, 340-, 346-сонли мактабгача таълим муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Этиборлиси, бу ерда ташхис маркази, 21-сонли милиция таянч пункти, шунингдек, маънавият хонаси, турли тadbирларни ўтказишга мўлжалланган кенг ва шинама мажлислар залининг мавжудлиги иш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,  
«Mahalla» мухбири.

## СУҒУРТА

# МУШКУЛИНГИЗ ОСОН БИТАДИ

Х аёт тасодифларга тўла. Ҳар қадамда турли воқеаларни кузатиш мумкин. Уша кунни Чиноз туманидаги «Гулзоробод» маҳалласида яшовчи Маъруфжон Келдиев оиласидегиларнинг маслаҳатида қулоқ солмади. Машинасини тузатмасдан йўлга чиқди. Аммо ҳеч қанча юрмай рўпарадан келаётган бошқа бир машинани туртиб юборди. Маошга кўз тикиб турган киши учун етказилган зарарни қоплаш осон эмасди. Шундан сўнг у икки ой аввал машинасини суғурталатган «Ўзагросуғурта» компаниясининг туман бўлимига бориб, аҳолини тушунтирди. Мутахассислар зарур ҳужжатларни тайёрлашни маслаҳат беришди. Беш кундан кейин эса 1 миллион сўм маблағ зарар кўрган машинага эгасига тўланди.

Фуқароларнинг моддий манфаатини ҳимоялашга қаратилган қонун-

лар ижросини таъминлашда тумандаги мавжуд суғурта тармоқлари қаторида «Ўзагросуғурта» компаниясининг ҳам алоҳида ўрни бор. Бу ердаги бўлим жамоаси даставвал қонун талаблари асосида мутахассисларни қайта тайёрлади, уларга сертификатлар берилди. Туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими ва ДАН ходимлари билан ҳамкорликда истиқболли режалар тузиб олинди. Туманининг «Олмазор», «Ялама», «Гулзоробод», «Туркистон» каби аҳоли зич яшайдиган қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳалларида пунктлар очилиб, мутахассислар бириктирилди. Бундан ташқари, корхона-ташкilotлар қаторида коллежалар ҳамда мактаблар жамоаларига суғуртанинг мазмун-моҳияти бўйича тушунтиришлар берилди.

Туман бўлими бошлиғи Ойбек Ражаповнинг таъкидлашича, жорий йилнинг ўтган ойларида 74 милли-

он сўмлик суғурталашга эришилган бўлиб, 86 нафар кишига етказилган зарар қоплаб берилди. Тарғиб-ташвиқот ишларининг жонлан-тирилаётгани боис, одамларда суғурталашга муносабат ўзгармоқда. Масалан, тасарруфдаги бошқа суғурта бўлимида ҳамда дахлдор ташкilotлар ҳамкорлигида бир неча гуруҳлар тузилган. Улар корхоналарда, аҳоли яшаш ҳудудларида ва маҳалларда бўлишиб, учрашувлар, семинар-кенгашлар ташкил этмоқда. Самаралар чакки эмас. Одамлар баъзи муаммоларининг суғурталаш орқали барҳам топ-паётганидан мамнун, деди у.

— Оила аъзоларини ва хонадонини суғурталатганимизда арзимас пул тўланган эдим, — дейди «Пахта» маҳалласида яшовчи Рўзқул Сариев. — Яқинда 6-сентябр ўқитган ўғлим Аширжонни тасодифан мол судраб кетиб, тан жароҳати олган-

ди. «Ўзагросуғурта»нинг туман бўлимида тўлаб берилган маблағ ҳисобига фарзандининг соғлигини қайта тиклаб олдик. Мазкур мададдан хайратландим. Ахир, мол-мулкимизни, оила аъзоларимизни суғурталатганимизда ўғлимнинг даволанишига анча маблағ ва вақт кетарди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, жорий йилнинг ўтган ўн ойда «Ўзагросуғурта» компаниясининг туман бўлими орқали гаров, уй-рўзгор, улов воситалари, чорва моллари, бахтсиз ҳодиса, оилавий ва яққа тартибда, мактаб ўқувчилари ҳамда 7 ёшгача болалар суғуртаси учун уч миллион сўмдан зиёд маблағ эгаларига тўлаб берилди. Бу борада бўлимнинг келгуси режалари ҳам диққатга сазовордир.

А. БЕРДИЕВ,  
журналист

## БУНЁДКОРЛИК

### ЯНГИ САВДО ДЎКОНЛАРИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ Ҳўжаобод тумани «Дехқон бозори» масъулияти чекланган жамияти мутахассислари, тadbиркорлар, маҳалла фаоллари ташаббуси билан туманда ўндан ортиқ замонавий типдаги савдо дўконлари ишга туширилди.

— Мажмуада сотувчи ва харидорлар учун барча шарт-шароит-

лар яратилган, — дейди «Дехқон бозори» МЧЖ раиси Абдурахмон Абдурахимов. — Янги йил арафасида ана унта маиший хизмат кўрсатиш соҳобчасини қуриб фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз.

Бундай бунёдкорлик ишлари аҳолига қулайлик яратиши, шубҳасиз.

Мухбиримиз



## БАҒРИКЕНГЛИК ВА САХОВАТ ИФОДАСИ



Бу йил ҳам беш мингдан зиёд юртдошимиз муборак ҳаж зиёратини амалга ошириш учун Саудия Арабистонига жўнаб кетди. Улар зиёратни тўла-тўқис амалга ошириши учун барча шарт-шароит яратилган. Хожиларимизга турар-хой, тиббий хизмат кўрсатиш борасида зарур чоралар кўрилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 19 ноябрда эълон қилинган «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 27 ноябрда юртимизда ушбу муборак айём катта байрам қилинади. Меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам, саховат каби эзгу амаллар бажариладиган Қурбон ҳайитини кўтаринки рўҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилади.

— Муборак Қурбон ҳайити ҳалқимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутади ва ҳар йили Юртбошимиз ташаббуси билан меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси сифатида кенг нишонланади, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдулазиз Мансур. — Ҳайит байрами кишиларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга чақирши билан бирга, ўзаро иззат-ҳурмат, саховат кўрсатишга ундайди. Жумладан, Қурбон ҳайитидаги қурбонлик қилиш тадбири ҳам мурувватга, муҳтож кишилар кўнгилни олишдек хайрли амалларга йўғрилган. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, қурбонлик қилиш фақат закот беришга қодир инсонларга буюрилган. Қўй, мол ёки туя қурбонлик учун сўйилади. Улар ҳар томонлама соғлом бўлиши, қўй бир, мол икки ёшдан ошган бўлиши жоиз.

Байрамда ота-онаси, яқинларининг, шунингдек, кексалар, беморлар, ногиронлар, етимлар ҳолидан хабар олиш энг яхши фазилатлардандир. Қабристонларни ободонлаштириш билан боғлиқ ишларни байрамга амалга ошириш мақсадига мувофиқ, Муқаддас динимизга ёт

бўлган турли хурофот амалларини бажариш ёшларимизга диний қадриятлар ҳақида нотўғри тушунчаларни синдириши мумкин. Шу боис диний амалларни ортқча дабдабаю исрофгарчиликсиз ўтказиш лозим.

Ҳайит муносабати билан ёрдамга муҳтож ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, «Меҳрибонлик», «Мурувват» ва «Саховат» уйларига моддий ёрдамлар кўрсатилади. «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар томонидан ўтказилаётган бундай хайрли амаллар юртдошларимиз ўртасида меҳр-мурувват ришталарининг янада мустаҳкамлашига хизмат қилади.

Жойларда кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, кўчалар ва ариқлар, масжидлар, муқаддас қадамжолар, қабристонлар ва уларнинг атрофи тартибга келтирилмоқда.

Юртдошларимиз байрамни тинч ва осойишта ўтказиши учун тегишли идора ва ташкилотлар томонидан барча техник ва хавфсизлик чоралари қўрилган. Ҳайит намози ўқиладиган масжидларнинг техник ҳолатини мос равишда ташкил этиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тинчлик-хотиржамлик, меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳиммат ва саховат каби аёнана юртимизда мустаҳкам қарор топган. Мана шундай фараҳбахш кунларда ҳар биримизнинг қалбимизда шукроналик ва шодумонлик туйғуси жўш уриши шубҳасиз. Шу маънода, муборак Қурбон ҳайитининг юртимизда кенг нишонланиши тинчлик ва осойишталикнинг, қўлга киритаётган бемисл ютуқларимизнинг шукронасидир.

Хусниддин БЕРДИЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси

### МУРУВВАТ

## ЭЗГУЛИК ҲАМИША БАРҚАРОР

Байрамларда қариндош-уруғ, кўни-кўшни, ёру биродарларни эслаш, бева-бечора, меҳр-мурувватга муҳтож оилалар, бемор ётганларнинг ҳолидан хабар олиш, баҳоли қудрат совға-саломлар улашиш инсоний фазилатлар ичида энг яхшиси, энг савоблисидир. Шу ҳажатдан ҳайит байрами алоҳида моҳият касб этади. Халқимизнинг инсонпарварлиги, бағрикенглиги, саховатпешалигини кўпроқ намён этидиган ушбу байрам мустақиллигимиз тўғрисида том маънода маънавий мулкимизга айланади.

— Миллий байрамларимизнинг барчаси қамситилган, «қолоқлик» дея қораланган замонларни ҳам кўрдик, — дейди Оқдарё туманининг «Қумушкент» маҳалласида яшовчи, юз ёш билан юзлашаётган Абдурашад бобо Раҳмонов. — Меҳнатсевар, заминсевар халқимиз Наврўз байрамида ўйнаб қуллолмасди. Ерга уруғ сепаиб, рисқўз яратадиган халқнинг йил бошида мавсумга тадорик қўриши, яхши ниятлар билан табиат қучоғига чиқиши «эскилик сарқити» дея таҳқирланди. Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити сингари байрамларни-ку қўяверинг. Бу байрамларни тилга олганлар социализм душманлари саналди. Яратганга шукр, Ўзбекистон мустақил бўлдию байрамларимиз қадр топди, замонавий удумлар билан бойиди. Мен ёшларимизга дорудомон кунларнинг қадрига етинглар, дегим келади.

Ҳайит байрами саховат байрамидир. Имонияти бўлган ҳар бир киши муҳтожларга, Саховат, Меҳрибонлик уйларига нимадир совға қилгиси келади. Самарқанд шаҳридаги Саховат уйида бўлиб, у ерда яшовчилар билан суҳбатлашганимизда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими томонидан кўрсатилаётган мурувват ёрдамларидан гоят миннатдор эканликларини айтишди. Озик-овқат, кийим-бош, маданий-маиший хизматларда асло камчилик йўқ, дейишди улар. «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ўтган йилги ҳайит байрамида бизларга янги автобус совға қилди, ўшандан бунён зиёратгоҳларга, саҳалларга ўз автобусимизда бориб келаямиз, дейишди, чин дилдан севинишиб.


Ҳайит арафасида «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Шавкат Жониқулов бизга қуйида-

гиларни гапириб берди.

— Биз фуқаролик жамияти барпо этилямиз. Бу жамиятда инсон қадри ҳамма нарсадан юқори қўйилади. Миллий байрамларимизнинг чин маънода эъозланаётгани ҳам аслида фуқаролар қадрининг баланд эканлигидан дарак беради. Негаки, барча байрамларимизда инсон шаъни эъозланади. Энг аввало, тақдирнинг аччиқ қисматида дуч келиб қолганларнинг кўнгил олинади, улардан ҳол сўралади.

Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳам эзгу ниятларда ташкил этилган. Унинг асосий вазифаларидан бири мискин қалблар дардида дармон бўлишдан иборатдир. Хайрия ишлари кўп қилиниши, камроқ айтилиши керак деб биламан. Шундай бўлса ҳам, баъзи мисолларни келтириб ўтмоқчиман: Ўтган йили ҳайит байрами арафасида 6-9-, 10-, 11- меҳрибонлик уйларида 10 миллион сўмликка яқин кийим-бош, чойшаб ҳада қилдик. Хаммасини пулга чақиқ айтиш эриш тўйлади, қатор оилаларга болали сигир тарқатдик. Табиий офат, ёнғиндан жабр чекканларга қурилиш материалларидан қарашидик. Хўжа Юсуф маҳалласи биносини янгитдан қуриш учун 36 миллион сўм ажратдик. Бино жихозлари учун ҳам 2,5 миллион сўм ёрдам кўрсатдик. Бугунги кунда маҳалла аҳли чойхона, мўъжазгина ёзги тўйхона имкониятларидан баҳраманд бўлишмоқда. Шунингдек, Фиёсиддин Жамшид маҳалласида ҳам қатор ободончилик ишлари бажарилди. Йўллар кенгайтирилиб, тунги ёриткичлар замонавийлаштирилди, йўловчилар учун иккита бекат қурилди. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Бу йилги ҳайит байрами муносабати билан қилинадиган ишларимиз режаси янада кенг қамровли. Насиб этса, хайрия, саховат йўлидаги ҳимматимиз янада зиёда бўлади. Бу биргина «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлардир. Вилоятда жамғарманинг 2 та шаҳар, 14 та туман бўлинмалари мавжудлигини, улар ҳам ҳайит байрамини муносиб нишонлаш учун катта тайёргарликлар қўришаётганини назарда тутсақ, муборак байрамнинг нечоғли шукўхли ўтажагини теранроқ англаш мумкин бўлади...

Ўқтам КУРБОНОВ,  
«Mahalla» мухбири.



Хива шаҳридаги «Тозабог» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Иноят Отабоев худуддаги Ферўз номидаги 10-мактабнинг бир гуруҳ аълочи ўқувчиларига ҳайит айёми совға-саломларини улашди.

— Ёшларга эътибор — келажаққа эътибор, дейишди. Шу маънода байрамларда маҳалламиздаги кексалар, ногиронлар, қаровчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олиш билан бирга ёшларга ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатамиз. Ишонамизки, бу эътибор келажақда ўз мевасини беради, — дейди фуқаролар йиғини раиси.

СУРАТДА: «Тозабог» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси И.Отабоев бир гуруҳ аълочи ўқувчилар билан.

## САВОБ ИШНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД

Истиклолдан сўнг ўзини қайта таний бошлаган миллатимиз ота-боболардан қолган ажойиб анъаналардан, маросимлар ва удумларни янгидан кашф этиб, уларни замон руҳи билан суғориб, ҳаётга татбиқ этишга киришди. Юртбошимизнинг бево-сита ғамхўрлиги остида миллий байрамларимиз бўлган Наврўз, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кенг қўламли ҳаётимиз шодийналарига сифатида нишонланадиган бўлди.

Муқаддас ҳаж зиёратига бориш истиклолгача анча қийин кечар, бунинг учун фуқаролар кўпгина чиғирлардан ўтиши, кўп идораларга бош уриши керак эди. Энди эса, ҳар йили минглаб ватандошларимиз Саудия Арабистонига бориб, бемалол ҳаж амалларини адо этиб келмоқдалар. Бунинг учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Қурбон ҳайити арафасида вилоят жамоатчилиги 625 кишини тантанали равишда

ҳаж сафарига кузатиб қўйди.

Бугунги кунда Андижон вилоятда икки юзга яқин масжидлар фаолият кўрсатмоқда. Шу кўни миллатимиз вакиллари асрий анъаналарга биноан, жамоа бўлиб намоз ўқийдилар. Сўнгра беморлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилалардан хабар оладилар, ўтганларни ёд этадилар.

Ҳар йили ҳайит байрамларига пухта ҳозирлик қўрилади, қилинадиган ишлар олдиндан белгилаб олинади. Ўтган Қурбон ҳайити арафасида 312 та зиёратгоҳ, 782 қабристон ободонлаштирилган эди. Ҳайит муносабати билан 23 мингдан зиёд фуқароларга ҳомийлар томонидан 77 миллион сўмдан ортқ мурувват ёрдами кўрсатилди. «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлинмалари ана шу савобли ишларни амалга оширишда ташкилотчилик қилдилар.

Бу йил ҳам вилоятда Қурбон

### ИЗХОР

## МЕХР—ОҚИБАТГА ОШЕНДИР БУ КҮН

Аяжон, эртага ҳайит байрами экан, қўлларимга хино қўйинг, — дея ялингансимон сўрайди қизим.

— Кимдан эшитдинг? — дейман қизикиб.

— Момомдан. Сайил куни хино қўйиш керак экан. Қиз боланинг хусни дедилар. Кейин яна ювинбараниб, янги қўйлак кийишим керак. Келин кўрдига борсам, майлими? Аяжон, сочимга жамалак тақиб қўйинг.

Қизимнинг тўхтовсиз берган саволлари ёшлигимни эслатиб юборди. Эртага сайил деган кун онам янги қўйлак олиб бераёз эдилар. Ҳайитни оҳори тўқилганга бирор кийим кийиб, ҳеч бўлмаганда янги дастурмол билан қарши олиш керак, дердилар онам ҳаммиса.

Эсимда, раҳматли бувам ҳайит куни эрталаб бизга сайилхарж тарқатардилар. Кўчамизда бирортая ёшбола қолмасди. Ёнғоқ, майиш ва бошқа ширинликлар ҳам улашардилар. Қўлогимга бувамнинг дуолари эшитилгандек бўлади: «Илоҳи омин, янаги қўйиларга ҳам тўрт кўз тугал, ҳайит-қўйиб етайлик!»

Яна қизимнинг қўнғироқдек овози хаёлимни бўлади:

— Аяжон, ширинликлардан дугоналаримга бериб чиқсам, майлими? Қўшнимизникига овқат олиб чиқасизми?

Мен унинг қалбидега ўйнаётган меҳр, қадр-ҳиммат, қадим қадриятларимизга қизиқиш ва ҳурмат ҳиссидан қувондим. Ҳеч эътибор қилганмизми? Ҳайит кунларида одамлар ўртасида яқинлик, меҳр-оқибатни кўпроқ ҳис этасиз. Қўни-қўшнилари тансиқ таом тайёрлаб, бир-бирига илинадилар. Беморлар ҳолидан хабар олинади. Хама шу кунни бир-бирига ширинсўз бўлади.

Мен тугилиб ўсган қишлоқда Қурбон ҳайитида ўзига хос қонда айланган анъана бор. Уйма-уй юриб, қариялар, беморлар, кўнгил ўксиклар, ногиронлар ҳолидан хабар олинади.

— Одам одам билан тирик, — дейдилар онам. — Яхши гап ҳам кўнглини тоғдай кўтарайди. Беморга куч-қувват бағишлайди.

Онамнинг гапларини эшитиб, Ҳанифа момонинг айтганларини эсимга тушиб кетди. «Сукунат одамни ютиб юборай дейди-я. Ҳеч кимни ёлғиз яратмасин экан. Улар эшигидан кириб келишганда Ҳизр келгандай қувондим. Одамнинг дардини одам олади, болам».

Ҳайит кунлари қишлоқ фаоллари бир бўлишиб, Ҳанифа момонинг уйини шиғирлаб беришибди. Меҳр-оқибат бундай бўпти-да, дегингиз келади. Бу йил қишлоқ фаоллари маҳалла фуқаролар йиғини билан келишиб яна бир яхши ташаббусни йўлга қўйишибди. Ўзига тўқ, топармон-тутармон кишилар бир бўлиб, озгина маблағ йиғишибди, унга маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳам улуси қўшилибди. Ҳайит олдиндан кам таъминланган, ногирон ҳамда ёлғиз қарияларга ун, шакар, ёғ тарқатишибди. Бундай меҳр-оқибат, кенгфеъллик яна қайда бор? Шуларни ўйлаб турганимда, эшигимиз кўнғироғи жингилдаб қолди. Очсам, қўлида бўғирсоғу ширинликлар солинган ликбоба билан қўшимиз турибди.

— Ўтганларни эслаб ис чиқарган эдик. Олинг, савоби тегсин.

Ўзбегимнинг ўзидайин содда, чиройли одатлари бор бўлсин-а, дейман ичимда. Ким билсин, шу кунни қанча хонадонларда ликбобчалар алмашди. Шу баҳона кўнғил сўралди, кўз-кўзга тушди, меҳр-

оқибат ришталари янада маҳкамроқ боғланди. Ўтганлар хотираси ёд этилиб, дуолар ўқилди.

Маҳкам отанинг шукронаси тилидан тўшмайди:

— Шундай тинч, эркин замонларга етказганинга шукр. Ота-бувам ҳаж зиёратини орзулаб оламдан ўтиб кетишганди. Бундай саодат менга насиб этди. Ўтган йили Қурбон ҳайити арафасида ҳаж зиёратига бориб келдим. Бизга шундай имкониятлар яратиб берган ҳукуматимизга, Юртбошимизга минг раҳмат!

Бу йил ҳам Қурбон ҳайити арафасида биргина Қашқадарё вилоятининг ўзидан 200 нафар киши зиёратга қўйиб кетди. Бундай ғамхўрлик, эътибор ва имкониятдан ғуруланмай бўладими? Қарияларнинг дастурхон бошида ва тўю тадбирларда айтганлари фақат шукрона, сўраганлари тинчлик, омонлик, Истиқлолга мангулик. «Кўз тегмасин юртимизга», дейдилар.

— Турмуш ўртоғим вафот этиб, оила, рўзғор таъшиви ўзимга қолиб кетди. Олти нафар фарзандим бор, — дейди Қарши шаҳридаги Пахтазор маҳалласида яшовчи Нодира Умидуллоева. — Яхшиям маҳалла-қўй бор экан. Ёлғизлатиб қўйишмади. Ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб-қувватлаб туришибди.

Ҳайит кунлари эса Қарши шаҳар ҳокимлиги томонидан Н.Умидуллоева хонадонига совға-саломлар юборилди. Бундан Нодира опанинг кўнгли осмон бўлди. Худди шундай ҳайит совғалари 150 та хонадонга кириб борди. Ёғ, ун, шакар маҳсулотларидан ташқари қўшимча элик минг сўмдан моддий кўмак берилди.

— Ўтган Қурбон ҳайитида 500 дан ортқ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, совға-саломлар тарқатилган эди. Бу йил ҳам худди шунча оилага моддий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Қарши шаҳар бўлинмаси раиси Рустам Қасимов. — Шунингдек, шаҳримизда 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 31 нафар ота-онасиз, қариндошларини қарамоғида тарбияланаётган бола бор. Уларга китоб, дафтар, кийим-кечақлар совға қилдик.

Энг қувонтиргани, шаҳар ҳокимлигининг мутасадди кишилари ҳайит кунлари уйма-уй юриб, одамлардан кўнғил сўраганлари, ташвишларни муаммолари билан қизиқиларни бўлди, десак муболағ қилмаймиз.

— Қарши шаҳар ҳокими Ш.Турсуновнинг ҳолимин сўраб, совға-саломлар билан хонадонимга кириб келгани кўнғилимни тоғдек кўтарди, — дейди биринчи гуруҳ ногирони Абдулло Раимов. — Гап совғада эмас, эътиборда. Биласизми, мен ҳам инсон эканлигимни юрак-юрақдан ҳис этдим.

Ҳайит баҳона қанча кўнғиллар шод бўлди. Ҳайит айёмлари бугун фақат диний айём сифатида эмас, балки қадрият, меҳр-оқибат айёми бўлиб, халқимиз қалбига сингиб бораётгани билан қадри. Бу улғу кунларда энг улғу инсоний фазилатлар янада буй кўрсатади.

Қарши шаҳрида ҳайит байрами муносабати билан ҳашар уюштирилди. Маҳаллалар, кўчалар, хиёбонлар, жумладан, 14 та зиёратгоҳ ва қабристон ободонлаштирилди, супириб-сидирилди. Ўн икки мингдан ортқ мевали ва манзарали дархат қўчатлари ўтказилди. Эл-юрт тозарий, поклини, кўнғилларда эзгу ниятлар билан ҳайитга пeshовз чикди.

Санобар БОЙМУРОДОВА,  
«Mahalla» мухбири.

Узоқбой САКСОНБОВ





БУХОРО ВИЛОЯТИ:

## АНЪАНАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ

Утган асрда суратга олинган «Махаллада дув-дув гап» фильми ўзининг юксак бадиий самияси, миллийлиги билан ҳамон томошабинлар эътиборида. Аммо фильми синчилаб кузатиш жараёнида бир ҳолатга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни асрда «Махалла» атамаси фақат пасткам ҳовиллар, чанг кўчаларга нисбатан ишлатилган.

Йўқ, мазкур вазиятда фильм ижодкорларини айблаб бўлмайди. Аксинча, бу миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни камситиш орқали йўқ қилмоқчи бўлган шўро мафкуриси жамият бошқаруви билан миллий тизимига нисбатан ҳужумнинг бир кўрилиши эди. Айнан ана шу ҳужум туфайли «Махалла» атамаси расмий ҳужжатларда маълум муддат ишлатилмади. Унинг ўрнига тилимизга зўраки тикиштирилган «кишлоқ шўроси» (сельсовет), уй ҳўжалиги (домком) сингари терминлар қўлланилди.

Шуқри, истиқлолдан сўнг ушбу тизим янада ривожланиб, ўзини-ўзи бошқариш органлари мақомига эга бўлди ва юртимиз фаровонлашуви, равақ топишига муҳим хисса қўшмоқда. Бу айниқса, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида яққол кўзга ташланаётган. Жорий йилда махаллалар моддий техник базасини яхшилаш мақсадида вилоят миқёсида 103

та йиғинга кабинет жиҳозлари, мебель, 100 та йиғинга эса замонавий компьютер тўпламлари олиб берилди.

Шунингдек, Когон шаҳридаги «Туркистон», Жондор туманидаги «Далмун», Когон туманидаги «Тўтиқунда», Олот туманидаги «Баҳринбаёт», Бухоро туманидаги «Кунжиқалба» йиғинларида махалла марказлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур марказларда нафақат йиғин идораси, балки турли хил маиший хизмат шохобчалари, савдо дўконлари ўрин олган бўлиб, уларда 40 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Янги йилга қадар вилоятда яна 12 та ана шундай замонавий марказлар қуриб битказилади.

Муҳтожларга кўмак бериш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш халқимизнинг азалий эзгу одатларидан ҳисобланган. Ушбу савоб ишни амалга оширишда «Махалла» жамғармаси вилоят бўлими, туман ва шаҳар бўлиналари, фуқаролар йиғинлари ҳам ташаббус кўрсатишмоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолининг мазкур қатламга жамғарманинг шаҳар ва туман бўлиналари томонидан 80 бош қорамол олиб берилган бўлса, яна 43 нафар оилани қорамол билан таъминлашда фуқаролар йиғинлари ташкилотчилик ишларини уюштириб, ҳомий-

ларни савоб ишга жалб этишди. Шунингдек, 14 нафар эҳтиёжманд кишига ногиронлик аравачаси олиб берилди. Умуман, ўтган тўққиз ой давомида кам таъминланган оилалар, моддий кўмакка муҳтож 1371 нафар фуқарога бевосита жамғарма томонидан 46 миллион 600 миң сўмлик, ҳомийлар томонидан эса, 58 миллион 395 миң сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 35 нафар ёшнинг никоҳ тўйи, 160 нафарга яқин боланинг суннат тўйи ўтказилди.

Қолаверса, дастур доирасида Вобкент туманидаги «Паноб», Гиждувон туманидаги «Гаждумак» махалла фуқаролар йиғинларида бунёд этилаётган замонавий уйлар, махалла марказлари ҳам мазкур ҳудудлар қиёфасини кўркемлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўз навбатида, махалла тузилмаси жойларда кам таъминланган инсонларни моддий жиҳатдангина қўллаб-қувватлаб қолмасдан, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга жалб қилиш, оилаларда барқарор муҳитни қорор топтириш, иш билан таъминлашда ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда. Айниқса, бу борада йиғинлар ҳузурида ташкил этилган «Махалла посбони» жамоат тузилмаси, яраштириш, мадани-

ят, тозаллик, ободончилик, хотин-қизлар, ёшлар ва воёга етмаганлар билан ишлаш, тўй, байрамлар, қадрият ва расм-русумлар, жазо муддатини ўтаб қайтганлар билан ишлаш комиссияларининг хизмати катта бўлмоқда.

Бунинг натижасида 783 нафар ёш йигит-қиз, 277 нафар фуқаро, 28 нафар ногирон иш билан таъминланди. Жойларда оилавий ажримлар, жиноятчилик ҳолатлари анчайин камайди.

Ёшларнинг спортга қизиқиши бирмунча ошди. Бугун вилоятдаги ҳар бир махалланинг ўз спорт мажмуаси бор. Унда 25 миң нафардан ортиқ ёш ўғил-қиз спортнинг турли тўғарақларида қатнашмоқда. Айниқса, бу махалла тизимида ўтказилган «Футболмиз келажиги», «Махаллаимиз паҳлавонлари» мусобақаларида яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, кейинги мусобақада вилоят шарафини ҳимоя қилган жондорлик Расул Орипов 46 кг. вазнда Республика чемпионлигини қўлга киритган бўлса, 50 кг. вазнда гиламга тушган Муродали Аминов, 44 кг. вазнда эса Соҳиба Асодова олтин ва бронза медаллариغا сазовор бўлдилар.

Гап танловлар ҳақида борар экан, «Миллий либосларимиз — миллий қадриятларимиз» республика танловида Бухоро вилояти вакили — Қоровулбозор тумани «Бўстон» махалла фуқаролар йиғини аъзоларининг фахри учинчи ўринни эгаллаганликларини ҳам таъкидлаш жоиз.

Махалла тизимида қўлга киритилаётган бу каби ютуқлар давлатимизнинг муносиб эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда. Хусусан, мустақиллигимизнинг 18 йиллик шодиёналари арафасида Пешку туман «Варахшо» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Серсенгул Жаманчаеванинг «Дўстлик» ордени, Когон туманидаги «Сараён» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Фозила Тошеванинг «Шўҳрат» медали билан тақдирланиши барчамизни хурсанд қилди.

Албатта, тизимда бу каби ютуқлар талайгина. Аммо шу ўринда ушбу кўрсаткичлар билан қаноатланиб қолмай, навбатдаги вазифаларни амалга ошириш йўлида тинмай ҳаракат қилишимиз лозим. Эро, юртни яшатиш, уни обод ва фаровон қилиш ҳар бир махалла ходими, унда яшаётган ҳар бир фуқаронинг вижодий бурчидир.

**Бехуд ЖУМАЕВ,**  
**«Махалла» жамғармаси**  
**Бухоро вилоят бўлими раиси.**

### ОБОД ГҲШАЛАР

## ТАДБИРКОРЛАР КҲМАГИ

**ЗОКИР САЛИМОВ** Қоракўл туманидаги «Саёт» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги тилга тушган иссиқхоначилардан бири. Ўтган йиллар давомида икки сотих ерда қишки помидор, бодринг маҳсулотларини етиштирган деҳқон меҳнатига яраша даромад олиб, уни яхши кунларига сарфлади: ўғил уйлантирди, машина олди, ҳовлисини замонавий усулда таъмирлатди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили махаллий дастурининг қишлоқда томорқа ҳўжалигини янада ривожлантириш банди асосида эса, Зокир ака иссиқхонасини яна икки сотихга кенгайтди. Бунга маълум маънода йил дастуридаги яна бир банд — ҳудуддан оқиб ўтувчи Саёт каналининг саккиз километр узунликдаги қисми тўла таъмирланганилиги, каналга туташ 1600 метр янги ариқ тортилгани экин майдонларини сўғориш бирмунча яхшилангани ҳам сабаб бўлди.

— Абдулло Жумаев, Ҳаким Арашев сингари уста миришкорларимиз ҳам иссиқхоначилик орқали қўшимча даромад олаётдилар, — дейди «Саёт» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Алишер Ҳамроев. — Улар етиштираётган қишлоқ помидор маҳсулотлари нафақат вилоятдаги Когон, Бухоро шаҳарлари, балки Самарқанд, пойтахт Тошкент шаҳри аҳолиси дастурхонига ҳам етказиб берилмоқда. Энди бевосита йил дастури ижроси хусусида тўхталидиган бўлсак, ўтган давр мобайнида 3,5 километрни қишлоқ йўли таъмирланди. 700 метрлик қумлоқ йўл асфальтлаштирилди. Юқори Жанофар, Саёт аҳоли пунктларидаги қабристонлар саховатпеша фермерлар Муродилла Бердиев, Комилжон Рўзиевлар кўмагида ободонлаштирилиб, файдали зияратгоҳ қўринишига келтирилди. Ҳудуддаги саккизта аҳоли пунктида янги ҳаммомлар қурилиб, тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Айтиш жоизки, «Саёт»да ушбу йилда аҳолига сервис ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари кенг доирада фаолият юрита бошлади. Чунончи, йил бошида ишга тушган «Нигина Фирдавс» минимаркетинида аҳолига сав-

до хизматларини таклиф этиш билан биргаликда эркаклар ва аёллар гўзаллик салонлари, «Paynet» дилерлик пункти каби сервис соҳалари ҳам йўлга қўйилди.

— Жорий йилда йиғин ҳудудида 14 та янги сервис ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга тушди. — дейди А.Ҳамроев. — Бу орқали яна ўттиз нафар киши иш билан таъминланди. Бундан ташқари, тадбиркор Раббано Тоҳириев қурилиш фирмаси ташкил этиши муносибати билан яна ўн беш киши фойдали меҳнатга жалб этилди. Тангри Ҳақбердиев, Баҳодир Муродов сингари тажрибали қурувчиларни ўз атрофида жамлаган фирма ҳозир қишлоқдошларга турли бунёдкорлик хизмат-

ларини таклиф этиб, ҳудуд қиёфасига кўрк бағишлашга ўз хиссаларини қўшмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ҳудудий дастури ижросини амалга оширишда махаллий тадбиркорлар ҳам ҳомийлик йўли билан кўмаклашиб келмоқда. Чунончи, «Самад Бешим» фермер ҳўжалиги раҳбари Аъзам Рустамов кам таъминланган Муъини Ҳақбердиевнинг, «Урин Карим» фермер ҳўжалиги раҳбари Убайдулло Уринов 2 гуруҳ ногирони Араш Наврўзовнинг ҳондодини мукамал таъмирдан чиқаришди. Шунингдек, ҳудуддаги олтинта фермер 30 нафар кам таъминланган оилага олти тонна бугдой беришди.

Айтиш жоизки, ҳудудда қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносибати билан бошланган бу каби бунёдкорлик ишлари келгуси йилда ҳам муносиб давом этирилади. Айтиш пайтда 76 нафар ёш оила учун бош режа асосида намунавий уйлар қурилиши мўжлавланди.

— Банк кредити асосида қуриладиган бу уйларнинг ҳар бири ўн беш миллион сўм туради, — дейди А.Ҳамроев. — Ҳозирча, тўлов қобилиятига қараб уй сохиблари танланди. Тез орада янги уйлар учун пойдевор ташланади. Уйлаймизки, янги уйлар ҳам ҳудудимиз қиёфасига янги гўзаллик бахш этади.

### БУНЁДКОРЛИК



## ЗАМОНАВИЙ ТУРАРЖОЙЛАР

ФИЖДУВОН туманидаги «Гаждумак» махалласига йўлингиз тушса, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг гувоҳ бўласиз. Гап шундаки, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ҳамда Юртбошимизнинг «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан махаллада 20 та бир ва икки қаватли замонавий уйлар қуриляпти.

«Гиждувон мукамал қурилиш сервис» ихтисослашган қурилиш-таъмирлаш ташкилоти бинокорлари томонидан барпо этилаётган уй-жойларнинг ҳар бири олти сотихдан иборат бўлиб, унинг эгалари табиий газ, иссиқлик, электр таъминоти, тоза ичимлик суви каби қўлайликларга эга бўлади.

Бухоро иклими жуда мураккаб. Бу ерда қиш қаттиқ совуқ, ёз эса ниҳоятда иссиқ келади. Бунга ҳисобга олган қурувчилар уйларни иклимга мос пишиқ гиштлардан тиклашмоқда. Бундан ташқари янги бинокорда махаллий уй-

созлик анъаналари ҳам ҳисобга олинган. Хусусан, лойиҳада воҳага хос айвон, сўрилар қуриш ҳам кўзда тутилган.

— Оиламиз ёш бўлгани боис биз учун янги уй жуда зарур эди, — дейди шу махаллада яшовчи Малик Муҳторов. — Қишлоғимизда янги уйлар қурилаётганини эшитиб дарров буюртма бердим. Қолаверса, уйни «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг йиллик етти фоизлик кредити эвазига харид қилаётганимиз ҳам бизга анча қўлайлик тугдирди.

— Мазкур бунёдкорлик ишлари қишлоғимиз чиройига янада чирой қўшиши, шубҳасиз, — дейди «Гаждумак» махалла фуқаролар йиғини котиби Зуҳра Тўқлиева. — Мазкур лойиҳа асосида нафақат тураржойлар, балки турли ихтимой объектлар, савдо маркази, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт майдончаси ҳам қурилиб фойдаланишга топширилади. Бу эса, келгусида яна йиғирма нафардан зиёд аҳоли учун фойдали иш ўрни яратилди, деганидир.

## ХОРИЖЛИКЛАР ҲАЙРАТ БИЛАН ҚАРАШАДИ

Йиғинимиз Баҳоуддин Нақшбанд номидаги зиёратгоҳга яқин жойлашгани туфайли бу ерга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар билан тез-тез мулоқот қилиб тураемиз. Ана шундай суҳбатларнинг бирида япониялик сайёх миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг ўзига хос жиҳатлари билан бир қаторда юртимизда ўзини ўзи бошқариш органнинг намунавий институти шаклланиши алоҳида эътироф этганига ўзим гувоҳ бўлганман. Уша саёҳатчи кунчиқар юрда ҳам бизнинг махалла тизимимиз қизиқиш билан ўрганилаётгани ҳақида гапирди.

Ана шундай суҳбатларнинг бирида япониялик сайёх миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг ўзига хос жиҳатлари билан бир қаторда юртимизда ўзини ўзи бошқариш органнинг намунавий институти шаклланиши алоҳида эътироф этганига ўзим гувоҳ бўлганман. Уша саёҳатчи кунчиқар юрда ҳам бизнинг махалла тизимимиз қизиқиш билан ўрганилаётгани ҳақида гапирди.

Албатта, хорижлик меҳмонларнинг бундай эътибори, ижобий фикрлари кўнгилимизни фохр-ифтихорга тўлдиради. Анъаналар изчил давом эттирилаётган йиғинимизда уч миң нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1,5 миң нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Фаолиятимизнинг барча соҳасида аёллар фаоллик кўрсатиб келаятир. Ҳудудда фаолияти йўлга қўйилган асарият маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари аёл тадбиркорларимизга тааллуқли. Жумладан, Феруза Ёдгорованинг «Гўзаллик саломи», Гулнора Раҳматова, Наргиза Арабова, Нозима Нарзиева раҳбарлигидаги тикувчилик цехларида бугун қўлаб хотин-қизлар доимий иш билан таъминланган. Шунингдек, Мухаббат Шарипова, Муаззам Жўраева, Малика Муродова сингари тикувчи зардўзларимиз нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатлардан ҳам миқозлар топиб, буюртма асосида маҳсулот етказиб туришади.

Умуман, ҳудудда хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб этиш, шу орқали уларни иш билан таъминлаш борасида хайри тадбирларни амалга оширишга муболағат бўлди. Албатта, бу каби ишларни бажаришга ҳамкор ташкилотлар, тадбиркорлар ўз хиссаларини қўшишяпти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳудуддаги йирик корхоналар — «Бухоро парранда» очик акциядорлик жамияти ҳамда «Бухоро насли парранда» корхоналари фаолияти янада кенгайтирилиб, 20 нафардан зиёд аёл ишга жалб этилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўзида ҳудудда қўлаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Натижада 50 нафарга яқин хотин-қиз, ишсиз юрган ёшлар фойдали меҳнатга жалб этилди. Қувонарлиси, меҳнат бозоридидаги бу фаоллик фуқароларнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш билан бирга кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож оилалар сонининг камайишига сабаб бўлаётган. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Хусусан, ўтган чорақда ҳудуддаги 24 нафар кам таъминланган оилага «Махалла» жамғармасининг Когон тумани бўлими, ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар томонидан турли миқдордаги моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди. Тадбиркорлар Муроджон Мўминов, Азиз Атоев томонидан олти нафар кам таъминланган оилага озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди. Ҳомий ташкилотлардан бири — «Бухоро парранда» ОАЖ эса доимий тарзда аҳолининг ёрдамга муҳтож қат-



ламига гўшт ва тухум маҳсулотларини етказиб туради.

Бундан ташқари оилаларда соғлом маънавий муҳитни қорор топтириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратяпти. Қишлоқда ўтказилаётган барча тўй-маъракалар, маросимларда тинчлик, диний бағрикенглик, миллатлараро товулик, қўни-қўшничиликнинг ўзига хос ижобий хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Бунда бизга кўпни кўрган отахону онахоналаримиз, махалла отинийси Малика Атоева яқиндан ёрдам беришаётган. Улар Яраштириш комиссияси аъзолари билан ҳамкорликда хотин оилаларда тушунтириш ишларини олиб бориб, низо ва жанжалларни бартараф этишди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳудудда хотин-қизларнинг спортга жалб этиш борасида ҳам яхши натижаларга эришдик. Тахрибали мураббиа Меҳринисо Маҳмудова оилалар ўртасида спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиб келаяпти. Айтиш пайтда унинг ташаббуси билан 50 нафар хотин-қиз спорт мусобақаларига жалб этилган. Ўтган йили аёллар ўртасида ўтказилган «Тўмарис» спорт фестивалида ма-

ҳалламинг вакиллари вилоятда иккинчи ўринни қўлга киритгани фикримиз далилидир. Ҳудудда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро махалла маъқенини кўтариш, махаллаларо ўтказилаётган қўриқ-танлов ва мусобақаларда юқори ўринларни қўлга киритиш учун ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишади. Уларнинг ободончилик, бунёдкорлик, қўламазорлаштириш ишларида фаолликлари боис, «Сараён» махалласи обод масканга айланди.

Ўтган йили сайёх-ҳаракатларим юқори баҳоланиб, «Фуқаролар йиғинларининг энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгалладим. Жорий йилда эса «Шўҳрат» медали билан тақдирланганимиз ҳам ўз меҳнатларимнинг эътирофи, ҳам махалламизда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда менга кўмак берган махалладошларимнинг сайёх-ҳаракатлари самараси, деб биламан.

**Фозила ТОШЕВА,**  
**Когон туманидаги «Сараён»**  
**махалласи маслаҳатчиси.**

**Саҳифани «Mahalla» газетасининг Бухоро вилояти бўйича муҳбири Акбар РУСТАМОВ тайёрлади**



## ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ

## ХУНАР ҲАЁТНИ БЕЗАР

Мамакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгани туфайли бугунги кунда уй бекалари ҳам ўз севган касб-хунарлари билан шуғулланиши имконига эга бўлиши.

Салима Қодирова Театр тажриба комбинатида ишлаб юрган кезлари тикувчилик қорхонасини ташкил этиб, иш бошлашни кўнглига туккан эди. 2003 йилга келиб касаначилик ривожига ўз ҳиссасини қўшиб мақсадида "Салимадон-чевар" хусусий қорхонасини очди. Аввалга ижара ҳақи, дастгоҳларнинг етишмаслиги каби муаммолар биров қўйинчилик туғдирган бўлса-да, тадбиркор аёл уларни бирин-кетин бартараф этди.

Айни пайтда бу ерда 10 нафардан ошқин кўп йиллик тажрибага эга тикувчилар ишлашмоқда. Цехнинг ўзига хос томони шундаки, бу ерда, асосан, миллий ҳамда замонавий услубдаги саҳна ҳамда турли ансамбль томошаларига мўлжалланган либослар тикилади. Бу эса тикувчиларга катта масъулият юклайди. Улар аввалига либос қайси образ ижроқисига мўлжалланганини аниқлаб, қаҳрамон билан танишиб чиқишлари лозим. Ана шундан кейин либос дизайнини яратиб, бичиштириш ишларига киришади.

Тошкентнинг 2200 йиллик асосий тантанаси қатнашчиларнинг 75 нафари тадбирда шу қорхонада тикилган янги либослар билан иштирок этишди. Шунингдек, цехда Маданият уйлари, театр ҳамда болалар боғчалари учун байрам либослари ҳам тикилади. Хозирда янги йил тадбирларига мўлжалланган қорбоқ, қорқиз ва бошқа эртак қаҳрамонларнинг либослари билан тикиш бўйича боғчалар билан



шартномалар имзоланган.

Цехга кириб борар экансиз, хотин-қизлар кулгиси эътиборингизни тортади. Бу хушхабарият уларнинг ўз севган иши билан бандлигини тасвирлайди. Энг қизиқи, ишчиларнинг алоҳида белгиланган вазифасини йўқ. Уларнинг деярли барчаси бичади, тикади, ҳатто попоп ҳам тика олади. Бу борада юмушлари кўп бўлса-да, вақт топди дегунча, Салима опа ҳам уларга қўйилади. Тадбиркор аёлнинг юмушлари кўп, деб бежизга айтмадик. Чунки у тикувчилик қорхонаси билан бир қаторда, кичик дўконга ҳам бошчилик қилади. Унда барча маҳсу-

лотларнинг мавжудлиги маҳалла аҳолига қулайликлар туғдирмоқда. Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан амалга ошириб қолаётгани йўқ. Бу ишларда Салима опанинг турмуш ўртоғи уни доимо қўллаб-қувватлайди. Улар уч нафар фарзандни касб-корли қилиб вояга етказишди. Айни пайтда 8 нафар набирани тарбиясига ҳам вақт топишади.

— Фарзандларим бошқа касбларни эгаллаб, менинг хунаримни ўрганишмаган, — дейди Салима опа. — Аммо набираларим кичиклигиданоқ тикувчиликка катта қизиқиш билан қарашаяпти.

Тадбиркор аёл маҳалла фуқаро-

лар йиғини билан ҳамкорликда иш олиб боради. Маҳаллада қандай тадбир ўтказилмасин, Салима опа гоҳ либослари, гоҳ маслаҳати билан кўмак беришга уринади. Айниқса, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаб, аёлларни иш билан таъминлаш борасида кўпгина ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, у яқинлашиб келаётган Курбон ҳайити кунларида боқувчисини йўқотган, моддий кўмакка муҳтож оилаларни совға-саломлар билан йўқлашни режалаштирган.

М.ЛАТИПОВА,  
"Mahalla" мухбири

## МУҲИМ ТАВСИЯЛАР

ЭНГ ЯҚИН КЎМАҚДОШ,  
ЭНГ ЯҚИН СИРДОШ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Ўсмирлик ва ўспиринлик даврларида йигитларнинг ҳам кўнглида армонлари, дардлари, жавобсиз саволлари бўлади. Маҳалладаги бамаъни, ақли, ўзини тугиб олган йигитлар билан ҳамкорликда ўша балоғат ёшига етган йигитларни тўлаб, турли тадбирлар, хашарлар, йиғинлар уюштириш орқали, ўзингизга нисбатан уларда ишонч, меҳр уйғотиш. Шунда улар ҳам турли вазиятларда отасидан, онасидан ололмаган кўникмаларни, билимларни сиздан олишга мойил бўлади. Лекин айни шу вақтда намён бўладиган манманлик, кўрслик, такаббуриликни кўрсатган ёшлар билан алоҳида иш усулини қўллаб, уларнинг ота ва онаси, яқинлари билан биргаликда ишлашга тўри келади. Лекин иш услуби барибир самимий, очик руҳда бўлиши керак.

Зеро, манманлик — бу ўз камчилигини ва ўзгаларни тан олмаслик, ўзгалар фикри билан ҳисоблашмаслик, такаббурилик, худбинликдир. Манманлик иллати у макон курган кишиларни ўзи устида ишлаб боришдан, соғлом фикр юритишдан маҳрум этади. Ҳақиқатда бундай одамларда, ёшларда жаҳолат иллати, яъни билимсизлик пайдо бўлади. Бундай оилаларда тарбия топган фарзандларнинг келажаги ҳам худди шу ҳолатда давом этиши, албатта, бизни ташвишга солади.

Маҳалла маслаҳатчиси аҳолини тадбирларга кўпроқ жалб қилиш учун суҳбатни жонлантириш усулидан фойдаланиши ҳам самара беради. Баъзан барчага аён, кўп эшитган фикрлар зеро ҳиссини ўйготмаслиги учун ҳаётнинг мисоллар билан бойитиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Бир ўзига тўқ отахоннинг уч киз, бир ўғли бор эди. У киши қариганида шу ягона ўғлидан меҳр кутган эди. Аммо келини но-бопроқ қичиб, улар отага қарашлариди. Икки катта қизи ҳам ўз оилалари билан бўлиб, отадан хабар ололмас эдилар. Отанинг кунига кенжа қизи яради. Оқ ювиб, оқ таради, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилди. Отахон оламдан ўтганларидан кейин кенжа қиздан ташқари ҳамма мерос талашиб, "етти"си ўтмасдан жанжаллашди. "Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?", деган савол билан мурожаат этиб, жавоб берган кишиларни мақтаб, рағбатлантириб қўйиш ҳам муҳим.

Ота-онага, қайнана-қайнатага бўлган меҳрни ҳам ота-она тарбиялайди. Айтايлик, бугун сиз бир нарсалар харид қилиб келдингиз. Сиз бу нарсаларни очиб, болаларингизга бирор идиш

олиб келишларини айтинг. Харид қилган таомингиздан олдини идишга солиб берингиз-да, бувинг билан буванга олиб бориб бер, денг. Ота-онангиз буни кўриб болаларингизни дуо қилади. Болаларингизга дуо олишинг хосиятини, табарруқлигини, инсон қўлидан келган бешқаларга яхшилик қилиб бориши кераклигини ўқидиринг. Шу йўсинда тарбиялаган фарзандингиз қариганингизда сиз қилган ишингизни қайтаради. Чунки унга бундай тарбияни ёшлигидан сингдиргансиз. Энди фарзандларингиз бува-бувиларининг дуосини дуру жавахирларга, ҳеч қандай бойликка тенглаштириб бўлмаглигини тушунади. Шунинг учун ҳам «Таомининг олдини ота-онанга берсанг, ўзинг ҳам олдини ейсан», дейилган.

Таҳлил учун бир мисол келтирингиз-да, жавобини сизни тинглаётганлардан сўрагиз. Тошкент шаҳридаги мавжуд қариялар уйининг бирда икки онахоннинг бир-бири билан уришаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Етмиш олти ёшли Хосият холанинг ҳеч кими йўқ. Эри урушда қурбон бўлган. Битта ўғли бўлган, у ҳам вафот этган. Олтмиш ёшли Замира исмли аёл юқоридagi аёлни шалтоқликда айблаб, у билан турмаслигини айтиб, жанжал қилаётган экан. Замира аядан сўраса, у тўрт ўғли борлигини айтди. Болалари, келинлари, невараларининг ҳаммасини қаргаб тилга олди. Унинг бу қарғишларига илон пўст ташлайди. У биздан ўғиллари, келинлари устидан ёзиб, шарманда қилишимизни сўради. Аянинг айтишларича, тўрт ўғил, тўрт келин, неваралари — ҳаммаси ўта меҳрсиз, аҳмоқ, яхшиликни билмайдиган экан. Гап орасида Хосият аяга: «Яхши бўлсанг, сени қариялар уйига ташлаб кетаримиди?», деб кўяр эди. Сиз бу ҳолатни қандай баҳолайсиз?

Тўрт келинини бир-бирига ёмонлаган, келинларининг яхши ишларини кўрмай, унча-мунча камчиликларини рўқча қилиб, ўғилларига ёмонлаган қайнана шу оилада ўзига нисбатан меҳр уйғота оладими? Фожиа шундаки, инсон кўп китоб ўқиши мумкин, аммо олган билимлари асосида ўз маънавиятини, тафаккурини, онгини камолотга етказмас экан, у ўқиб ўқмасдан маънавий қашшоқ бўлиб қолаверади. Олган билимлари ва ҳаётий сабоқлари йиғиндиси назариялигича қолиб кетаверади. Шуни унутмаслик керакки, беморнинг касалини даволагандан кўра, руҳий ва маънавий далда орқали хасталикнинг олдини олган осонроқдир.

"Мустаҳкам оила — маҳалла таъини" китобидан олинди.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш, соғлом авлодни шакллантириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги эътиборга молик ҳодисадир.

Президентимизнинг "Она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "2009—2010 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур қарорлар ижросини таъминлашда маҳаллаларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. "Маҳалла" жамгар-

маси туман бўлимаси қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда туман хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа тегишли муассаса ва идоралар билан биргаликда ўз олдида қўйилган вазифаларни амалга оширмоқда.

Туманимизда бугунги кунда 73426 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шунинг 19822 нафарини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. Ҳозирги кунга аёлларнинг 95,5 фоизи тиббий қўриқдан тўлиқ ўтказиб бўлинди.

Тиббий қўриқ натижалари бизни анча ўйлантириб қўйди. Чунки қўриқдан ўтган аёлларнинг 56,7 фоизда экстрагенитал касалликлар мавжудлиги аниқланди. Бу биздан маҳаллаларда аёллар ўртасида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, ҳар бир маҳаллада "Соғлом она — соғлом бола"

номли саломатлик бурчакларини ташкил этиш лозимлигини, бу бурчакларни ахборот-тарғибот материаллари билан таъминлашни талаб этарди.

Туманимиз маҳаллаларида аёллар ўртасида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга қишлоқ врачлик пунктларидаги патронаж ҳамширалар билан биргаликда маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни жалб этдик. Шу билан бирга, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш мақсадида ҳар бир маҳаллада жамоатчилик кенгашлари ҳам фаолият юритади.

Суҳбатлар жараёнида ҳомиладорликка нисбий ва мутлақ моноги бўлган аёлларнинг фикри ўрганилди. Улар контрацептив воситалари билан тўлиқ қамраб олин-

ди. Шунингдек, суҳбатларимизда ихтиёрий жарроҳлик контрацепция усулига ҳам алоҳида эътиборни қаратдик.

Шуни эътироф этиш лозимки, биргина шу оининг ўзида 16 нафар аёл ихтиёрий жарроҳлик контрацепция усулига мурожаат қилди. Бу амалга ошираётган ишларимизнинг самарасини кўрсатиб турибди. Суҳбатимизга туманимизнинг барча қишлоқ врачлик пунктларининг оила патронажи ҳамширалари, маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ҳудудлардаги мактаб ва коллеж ўқитувчилари, маҳаллалардаги отинойилар ва фаол аёллар қўшилишди. Бу тадбирлар ўзининг самарасини бераётди.

Садорат МЎМИНОВА,  
"Маҳалла" жамгармаси Ховос туман бўлимаси бош мутахассиси.

## ФАОЛИЯТДАГИ ФАОЛЛАРИМИЗ

## ТАШАББУСЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРИЛМАЙДИ

ЭНГИНДАН  
ОГОҲ БЎЛИНГ

Айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги оқибатида тез-тез ёнгинлар содир бўлиб турибди. Айниқса, газ асбобларидан нотўри фойдаланиш ёнгинлар содир бўлишининг асосий сабабидир. Газ асбобларини қаровсиз қолдириш ва кўчириш, плита ёки печка устида кир қуришти, резина шланг улаб ишлатиш ёнгинларни келтириб чиқаради.

Ёнгин оқибатида давлат ва халқ мулкига катта зарар етиши билан бирга, инсонлар ҳаёти ҳам хавф остида қолади. Баъзида ёнгин чиқишига ота-оналарнинг фарзандларига эътиборсизликлар ҳам сабаб бўлаётди. Болаларнинг қўлига тушиб қолган гуғурт «тилсиз ёв»ни юзга келтиряпти.

Масалан, 2009 йилнинг 20 июль кунги Яқасарой тумани Нурмухаммедова кўчаси, 20-уй 41-хонадонда электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнгин келиб чиққан. Оқибатда уй эгаси Х.Эргашеванинг музлатгичи ёниб кетган. 2009 йилнинг 25 сентябрь кунги Яқасарой тумани У.Носир кўчасидаги содир бўлган ёнгинга бино олдиди тўпланиб қолган чикиндиларнинг сигарета қолдигидан алангаланиши сабаб бўлган.

Бу каби ноҳус ҳолатларнинг олдини олишда эътиборли бўлиш талаб этилади. Шундангина ҳаётимиз хавф-хатардан холи бўлади.

Н. Парпиев,  
ЁХБ 12-ХҲО 4-ХҲХ алоҳида  
пост кичик инспектори, сержант.

Одамлардан маҳалла оқсоқолининг ташаббусларни қўллаб-қувватлашини эшитган хусусий тадбиркор Абдурахим Фозиллов Ёқуб Мўминов хузурига кириб келганида маҳалла фуқаролар йиғини расми уни очик чехра билан кутиб олди.

— Фарзандларимиз камолини ўйлаб амалга ошираётган режаларингизни қўллаб-қувватлаймиз, — дейди Ёқуб ака қаршисида ўтирган меҳмонга самимий боқиб. — Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак, деган пурмаъно сўзларни қалбимизга жо қилганмиз. Бинобарин, сиз ҳам шу эзгу ақидага асосланиб, маҳалламиз ҳудудда янги болалар спорт майдончасини ўз ҳисобингиздан қуриб беришга аҳд қилган экансиз, топганларингиз фақат яхшиликларга буюрсин деймиз, биродар.

Абдурахим ака оқсоқол хузуридан хурсанд бўлиб, кўнгли завққа тўлиб чиқди: «Оқсоқол шундай бўлиши керак-да!»

Орадан икки кун ўтгач, маҳалладошлар ҳудудда бир неча йиллардан бери қаровсиз ётган жойда ободончилик ишлари бошлаб юборилганига гувоҳ бўлишди. Улар маҳалла фарзандлари учун замонавий жиҳозланган янги болалар спорт майдончасининг тантанали очилиш маросимини орзиқиб кута

бошлашди.

Ниҳоят, кутилган дамлар ҳам етиб келди. Юртимиз узра байрам шодиёналари кеза бошлаган кунларнинг бирида карнай-сурнай садолари тантанали маросим қатнашчиларини маҳаллада ўтказилаётган маросимга чорлади. Шу кунги, айниқса, оқсоқол Ёқуб Мўминов болалар иншоотини бунёд этган хусусий тадбиркор Абдурахим Фозилловдан миннатдор бўлди. Ёшлар, қолаверса, қўшни маҳаллалардан таширф буюрган меҳмонлар болалар спорт майдончасида яратилган шарт-шароит ва қулайликлардан жуда мамнун бўлишди.

Дарҳақиқат, пойтахтимизнинг Мирзо Улўғбек туманида жойлашган Амир Темур номидаги маҳаллага йўлингиз тушса, Истиклолимиз туфайли ўз нуфузини тиклаган, эндиликда ўзини ўзи бошқариши органи сифатида фаолият юритаётган Ватан ичидаги кичик ватаннинг кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги ўрни ва салоҳияти тобора ошиб бораётганлигига гувоҳ бўласиз.

— Ҳудудда амалга оширилаётган ишларни аниқ режалар асосида олиб боришга одатланганмиз, — дейди оқсоқол Ёқуб Мўминов. — Маҳалламизда турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Улар-



нинг бир оила фарзандларидек аҳил бўлиб яшаётганликларига ҳамманинг ҳаваси келади. Қандай тадбир ўтказилмасин, маҳалладошлар ҳозир нозир. Муҳими, ободончилик, бунёдкорлик ишларида, хашарларда барча бирдек фаол. Оқсоқол таъкидлаганидек, аҳоли ўртасида олиб борилаётган

тушунтириш ишлари, маънавий-маърифий, айниқса, аёллар ва болалар саломатлигини сақлаш борасидаги тадбирлар ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Чунончи, Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» ва «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни барта-

раф этишининг йўллари ва чоралари» номли китобларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатлари маҳалла аҳлида яхши таассурот қолдирди.

Солиҳ ЁҚУБОВ,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган  
маданият ходими.



# МУСТАҲКАМ ОИЛА — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



**< [1]**

Масалан, жорий йилнинг 9 ойи давомида фуқаролар йиғинларида оилавий келишмовчиликлар юзасидан мурожаат этган 27697 нафарга ақин фуқароларнинг аризалари кўриб чиқилди. Шундан 17963 тадан ортиқ оиладаги нотинчликка барҳам берилиб, 2536 та оила ички ишлар идоралари ҳисобига олинди. Маҳаллаларда бой ҳаётий тажрибига эга нуруний отахон ва онахонлар, зиёлилар ва обрў-эътиборли инсонлар иштирокида олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 15832 тадан ортиқ оилани яраштиришга эришилди.

Айтиш кераки, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, Хотин-қизлар кўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2008 йил 10 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма

қарори оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган турли салбий ҳолатларнинг олдини олишда, фуқаролар йиғинлари таркибидagi яраштириш ва хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси, ҳудудий профилактика инспекторлари, имом-хатиб ва нурунийлар фаоллигини оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Ҳозирда жойларда Яраштириш комиссиялари фаолиятини кучайтириш, улар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, оиладаги зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, маҳалла фуқаролар йиғини кесимда нотинч оилаларда тарбияланётган фарзандлар ҳақида тулик маълумотлар банкни яратилмоқда. Яраштириш комиссияси аъзолари, аввало, бундай ёшлар тарбия топаётган оила муҳитини яхшилашга ва нотинчликка

сабаб бўлаётган муаммоларни имкон қадар бартараф этишга ҳаракат қилишга эришилди. Бундан ташқари, Яраштириш комиссиясининг фаолиятини янада жонлантириш учун диний идора вакиллари, ФХДБ бўлими, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида жойларда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Таъкидлаш кераки, баъзан ўз фаолиятига суҳбатчилик билан ёндашаётган комиссия аъзолари ҳам учраб туради. Масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари тўғрисидаги Низом талабларининг бажарилиши ва комиссия фаолияти таҳлили юзасидан мониторинг ўтказилганда, фуқаролардан келиб тушган аризаларнинг Қорақалпоғистон республикасида 18 фоизи, Самарқанд вилоятида 17,5 фоизи, Сирдарё вилоятида 71,7 фоизи, Тошкент вилоятида 5 фоизи муҳокима этилмагани аниқланди. Ҳозир бундай хатоларга йўл қўймаслик учун жамғар

ма томонидан жойларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Яраштириш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ўтган йили «Маҳалла» жамғармасининг республика бошқаруви томонидан Ички ишлар вазирлиги ва Республика Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда «Фуқаролар йиғинларининг энг фол Яраштириш комиссияси», шунингдек, ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашда маҳалланинг ўрни бекиёс эканлигини тарғиб этиш учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда «Маҳалла тарихини урганаман» республика кўрик-танловлари ташкил этилган эди. Комиссия фаолиятининг янада жонланишида ушбу кўрик-танловларнинг ўрни бекиёс бўлмоқда.

Эътиборлиси, бугунги кунда муаммоларни бартараф этишда фақат тарғибот-ташвиқот ишлари билан кифояланган йўқ, балки оилаларга амалий йўлдан ҳам кўмак берилмоқда. Хусусан, жорий йилда боқувчисини йўқотган, ниқоҳи бекор бўлган ва кам таъминланган оилаларга жами 940 миллион сўмдан ортиқ турли ёрдамлар кўрсатилди. Бунинг 303 миллион сўми «Маҳалла» жамғармасининг бўлими ва бўлинмалари, 637 миллион сўми эса ҳомийлар ҳиссасига тўғри келади.

Мухтасар қилиб айтганда, маҳаллалардаги Яраштириш комиссияларининг фаолиятини тубдан яхшилаш, бу борада ҳудудий жамғарма расиларининг шахсан масъуллигида оилавий нотинчликларга барҳам бериш, оилавий зиддиятлар туфайли никоҳдан ажралишлар ва ёш оилалар барбод бўлишининг олдини олиш, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Зеро, оиласи тинч ва хотиржам инсоннинг бахти тўқис бўлади.

**Г.ЙҮЛЧИЕВА,**  
«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари.

# ҲАМКОРЛИК БОЛА АЗИЗ, ОДОБИ УНДАН АЗИЗ

ЎЗ КЕЛАЖАГИНИ ўйлайдиган миллат, аввало, ҳар бир фарзанднинг тўғри камол топши чораларини кўради. Шароит ва имкониятлар яратиш орқали уларнинг онгини ўстириш, дунёқарашини кенгайтиришга интилади. Чунки бугунги ёшлар жамиятнинг тенг ҳуқуқли бўлажак фуқароларидир. Бола азиз, тарбияси ундан-да азиз, деб билган халқимиз фарзандни нафақат оила муҳитида, балки кенг жамоатчилик кўмагида тарбиялашга интилиб келади. Бугунги кунда воғга етмаганлар билан ишлашда кенг жамоатчилик билан бирга тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари, тарбия муассасалари бирдек шугулланаётганлигининг боиси ҳам шунда.

Ана шу муҳим жиҳатларни инобатга олган Сурхондарё вилоятида ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга, диний экстремизм, терроризм, турли ақидапарастликлар, мафқуравий хуружлар ҳамда бола онгини захарловчи гоғлар таъсиридан ҳимоялашга қаратилган тadbирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада махсус тadbирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда иш юритилаётгани аниқ мудабо бўлмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Воғга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида вилоятдаги 602 та маҳаллада, 601 та умумтаълим мактабларида, 64 та коллеж ва лицейларда ҳуқуқий мавзуларда 236 марта давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилиб, 2 миңдан зиёд ўқувчи-талабалар жалб этилди.

Воғга етмаганлар билан ишлашда биз кенг жамоатчиликни, маҳалла фаолларини, имом-хатибларини, ўқув муассасалари тарбиячиларини, маҳалла маҳсулдорларини мунтазам жалб этаёмиз. Шу билан бирга милиция таянч пунктлари, профилактика нозирлари билан ҳам ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйганмиз, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлими мутахасиси Хусниддин Абдурахмонов. — Ҳозир вилоятда 238та милиция таянч пунктлари бўлиб, уларда 366 нафар профилактика нозирлари фаолият юритмоқда. Шуни қайд этиш лозимки, 124 та маҳаллалардаги милиция таянч пунктлари қошида болалар учун махсус спорт майдончалари ташкил этилган. Бу маҳаллаларда 6 миң 670 нафар бола спорт турлари билан шугулланмоқда. Ёшлар билан ишлашда, шунингдек, «устоз-шогирд» аъналарини йўлга қўйганмиз. Бу ҳам ижобий натижалар бермоқда. Масалан, ҳозирги кунда воҳамиздаги 236та маҳалла гузарида кичик бизнес асосида аёллар ва эркаклар сартаршонлари, тикувчилик, пойафзал таъмирлаш устaxonалари ташкил этилган бўлиб, уларда 423 нафар йигит-қиз касб-хунар ўрганишмоқда.

Дарҳақиқат, вилоятда болалар билан ишлашда нафақат тушунтиришлар олиб бориш, учрашув ҳамда суҳбатлар уюштириш балки, воғга етмаганларни жиноят содир этишга ундайдиган ёки шунга шароит тудирадиган ҳолатларнинг олдини олиш, мавжудларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар сирасига кўча бошилар ва кўп қаватли уйлар йўлакларида маҳалла посбонлари билан бирга ўсимлар ва ёшлар иштирокида навбатчилик ташкил этилаётганлиги, кўчаларнинг кўзга кўринарли жойларига ҳуқуқий идораларнинг, профилактика нозирларининг телефон рақамлари ёзиб қўйилганлиги иш самарадорлигини оширмоқда. Таъкидлаш зарурки, «Маҳалла» жамғармасининг жойлардаги бўлинмалари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда 2009 йилнинг 9 ойи давомида воғга етмаганлар орасида боланинг назоратсиз қолиши оқибатида содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар ҳақида 176 марта, ижтимоий муҳитни соғломлаштириш ва диний ақидапарастликнинг олдини олишга қаратилган 183 марта тури тadbирлар ўтказилиб, уларга 3 миңг 450 нафар ўсим-ёшлар жалб этилган.

Шу ўринда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги воғга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ЕИҲ вилоят бўлими билан ҳам ҳамкорликда иш олиб борилаётганлигини ҳам таъкидлаш керак. Айниқса, вилоят прокуратураси ходимлари билан ўрнатилган ҳамкорлик яхши самара ва амалий натижалар бермоқда. Сурхондарё вилоят прокуратураси воғга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси бўйича катта ёрдамчиси Комил Маҳмадиев шундай ҳикоя қилади: — Вилоят прокуратураси ташаббуси билан ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турган ва 18 ёшга бўлган воғга етмаганлар томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, уларни ИИБ рўйхатидан чиқариш мақсадида ташкил этилаётган тарбиявий тadbирлар натижалари кўнгилдагидек бўлмоқда. Жумладан, жорий йилнинг август ойида Термиздаги ҳарбий қисмларнинг бирида ана шундай воғга етмаганлар учун ўн кунлик «Ҳарбий спорт оромгоҳи» ташкил этилди. Унга профилактик ҳисобда турувчи ёшларнинг 50 нафари жалб этилди. Улар ўн кун мобайнида ҳарбийлар билан ёнма-ён яшадилар. Ҳарбийларнинг ҳаёти билан танишдилар, жисмоний машқлар ўтказдилар.

Вилоятда воғга етмаганлар ва ёшлар билан ишлашда тарбиянинг турли усулларидан унумли фойдаланилмоқда. Тушунтиришлар, суҳбатлар, учрашувлар, байрамона тadbирлар, меҳнат ярмаркаси, соғломлаштириш оромгоҳлари, касб фестивалларидан ташқари ҳомийлар кўмагида воғга етмаганлар учун саёҳатлар уюштиришга ҳам аҳамият қаратилмоқда. Масалан, шу йилнинг 29 сентябрда вилоятнинг Шўрчи туманида жойлашган 68- ва 122-сонли махсус мактаб-интернатларда «Меҳр кўзда — мурувват дилда» мавзусида тadbир уюштирилди. Ривожланишида нуқсон бўлган воғга етмаганлардан 60 нафари воҳанинг зибратгоҳларига саёҳатга олиб чиқилди. Бу каби тadbирлар мунтазам ташкил этилаётди. Саёҳатдан сўнг, улар байрамона дастурхонга тақлиф этилади, ҳамда совғалар билан сийланган.

Кўриётган ана шу чора-тadbирлар натижасида воғга етмаганлар орасида жиноят содир этиш ҳолатлари ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада камайди. Ҳозирги йилнинг 9 ойи мобайнида профилактик назорат олинган болалар сони кескин камайиб, вилоят миқёсида 86 нафар бола рўйхатга олинган. Айни кунларда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда уларни тўғри тарбия йўлига қайтариш чоралари кўрилмоқда.

**Ёдгор АШУРОВ,**  
«Mahalla» мухбири.

## НИКОХ ТУЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтказ, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга руҳсат бериши мумкин. Алоҳида ҳоллар (ҳомилдорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқаларда) никоҳ ариза берилган кун тузилиши мумкин.

Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш қонун билан тақиқланади.

Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими, никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайитириши мумкин.

«Оила ва никоҳ» китобидан олинди.

## ИБРАТ КЎЗГУСИ

# ТИРИКЛИК САОДАТИ

Андижон шахридаги «Иттифок» маҳалла фуқаролар йиғини идораси доимо маҳалла фаоллари билан гавжум. Ҳар галгидек хонага салкам саксон ёшни қоралган Муталибжон ота Хисомиддиновнинг кириб келиши барчани қувонтирди. Отахон одатча: «Болаларим, мендан нима хизмат?», дея қулиб турарди.

Албатта, маҳалла раиси Азизахон Саримсоқова қўллаган ёшдаги отахонни толиқтирмасликни истасанда, ўзларини ўйлантираётган масалалар ҳусусида гапириб, маслаҳат сўради. Шунингдек, маҳалла аҳли киш кунлари газ босимининг пасайишидан шикоят қилиб, жорий йилда бу муаммони бартараф этиш таклифини билдирганини айтиди.

— Барча муаммоларни бартараф этиш мумкин, — дея гап бошлади Муталибжон ота. — Ҳақиқатан ҳам кишининг совуқ кунлари газ босимининг пастиги, уларнинг исимаслиги кўнгинга ноқулайликлар туғдиришмоқда. Айниқса, баъзиларнинг қўлбола иситтичлардан фойдаланишлари салбий оқибатларни юзасига келтириши ачинарли ҳол. Эртага эрталаб ўғлим машинасида шаҳар газлаштириш идорасига олиб борарди, менга яна учта ҳамроҳ белги-

ланглар.

Шаҳар газлаштириш идораси раҳбарлари маҳалла вакиллари очик чеҳра билан кутиб олишди. Маҳаллага газ тортилган эрта босимдаги қувурлар жуда кўриб кетганлиги сабабли босим камлигини тушунтиришиб, Комил Яшин кўчасидаги янги трассага улаишса, муаммолар бартараф бўлишини айтишди. Газлаштириш идораси лойиҳа ҳамда қувурларни монтаж қилиш ишларини ўз зиммасига олган бўлсада, маҳалла аҳли ҳам қараб ўтирмади. Натижада маҳалла янги трассага уланди. Эндиликда киш кунлари газ босими меъёрида бўлади.

Отахон маҳалла ишига бўлган фидойилиги билан бирга, оқил, зиёли фарзандларни воғга етказгани учун ҳам халқ эътиборига тушган. Хисомиддиновлар оиласини нафақат маҳаллада, балки Андижон шахрида энг ибратли оилалардан бири сифатида танишди. Муталибжон ота турмуш ўртоғи Сабоҳон ая билан 52 йилдан буюн бир-бирини қўлаб-қувватлаган ҳолда умргуздорлик қилишмоқда. Уларнинг ўғли шифокор, иккинчиси педагог сифатида ҳар кун, ҳар нафасда кишилар оғирини енгил қилиб яшадилар.

Айнан шундай ибратли фазилатларини фарзандларига ҳам ўргатганлар.

Тўнғич қизи Соҳиббахон узок йиллар мактабга раҳбарлик қилиб, ўтган йили нафақатга чиқди. Ўғли Дилшодбек эса трикотаж чеки ташкил этиб, маҳалладаги 20 нафарга яқин ёшни иш билан таъминлади. Дилмурод пахта тозалаш корхонасида, Элшод вилоят солиқ инспекциясида фаолият юритмоқда. Кенжа қизи Насибахон ота касбини танлаб, кардиолог-врач бўлиб ишламоқда. Бир сўз билан айтганда, уларнинг ҳар бири эл қорига қармарбаста.

Айни пайтда, Муталибжон ота ва Сабоҳон аяннинг 20 нафар невараси, 6 нафар чевараси бор. Оилда ҳар йили тўй-томоса. Ўғил уйлаш, қиз чиқариш, хатна тўйи...

Отахон шу кунларда ўзининг муробак ёшини нишонлар экан, атрофида яқин кишилари — маҳалла аҳли, фарзандлари, неваро чеваралари борлигидан қувонди. Ҳар галгидек, уларга «Болаларим, инсон тирик экан, меҳнат қилиш ҳамда одамларга яхшилик улаишдан тўхтамаслиги керак», дея насиҳат қилади.

**Узоқбой САҚСОНБОВ,**  
«Mahalla» мухбири.

## ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

# У ҲАМОН ЁЛФИЗ...

Маҳалламизда Мўтабар исмли ўқувчи қиз бор. Ёши ўттиздан ошиб қолган, ниҳоятда хушмуомала, дилқаш ва куйинчак бу қизнинг ота-онасига яқинлари унинг ҳануз бахти очилмаётганидан нолишарди. Тенгдошларининг болалари аллақачон мактабга қатнай бошлаган Мўтабарнинг нега турмушга чиқмагани менга қоронгу эди. Бир кун у менинг ёнимга келиб, бошидан кечирган изтиробли воқеаларни ҳикоя қила бошлади.

... Институтда ўқиб юрганамда кўп йигитлар севги издор қилишар, кишлоғимга бориб, ота-онам танлаган йигитга турмушга чиқаман, деб уларнинг барини рад этардим. Ўқибни тугатиб, кишлоққа қайтдим. Тенгдош йигитларнинг кўпи уйланиб кетишган бўлса-да, уйимиздан совчиларнинг қадами узилмасди. Аммо йигитларнинг ҳеч бирига кўнгилим илмидади.

— Кеча савдогар Назиранинг

ўғлидан совчи келди, — деди бир кун онам. — Гаплашиб кўр. Жуда топармон-тутармон йигит дейишяпти. Кўнгилинга ёқиб, зора, бахтинг очилса, қизим.

— Онажон, мени мол-дунё заррача қизиқтирмайди. Муҳими, яхши, инсофли, диёнатли бўлса бас, — дедим ва уларнинг қистови билан учрашувга чиқдим. Йигитни кўрдиму, ҳафсалам пир бўлди. Миршароф жуда башанг кийинган, атирга чўмилиб олгандай эса. Бўйиндаги йўғон тилла занжири гўё ҳаммасидан ошиб тушди. У нуқул пулиннинг кўпчилиги, кўша-кўша иморатлар қураётгани, ишнинг кўзини билишидан гапирарди. Хуллас, мен унга турмушга чиқмаслигини айтдим. У ҳали бу қилингига кўп пушаймон ейсан, деди.

Кунлар, ойлар ўтаверди. Миршароф бу орада уч марта уйланиб, уч марта ажрашди, ўтаётган йиллар эса менга «қариқиз» тамғасини бо-

саверди. Уйимизга совчилар келмай қўйди. Эшитишимга қараганда, менга уйланишни хоҳлаганларни Миршароф кўрақда турмас гаплар билан айнарди экан. Тақдирга тан бердим, энди турмуш қурмас керак, деб ўйлаб, бор кучим билан ишга шунгидим. Тўғрироғи, аламинни ишдан олдим.

Ана шундай кунларнинг бирида, автобусда Қаҳрамон исмли йигит билан танишиб қолдим. Вилоят марказидан келгунча у билан турли мавзуларда суҳбатлашдик, иккалаимизнинг дунёқарашимиз, фикрлаш тарзимиз жуда ўхшаш эканлигига ҳайрон қолардим. Уша дамдаёқ ҳеч кимга бермаган телефон рақамини менга бердим. Мен тенги бу йигит архитектор экан. Ҳар кунги телефондаги суҳбатлар чоғида унинг ўз касби билан фахрланишини, ҳали уйланмаганини ва пок ниътли инсон эканини билиб олдим. Кун сайин унга боғлана

бошладим. Мен ўз муҳаббатимни толганимга шубҳа қилмасдим. Телефондаги суҳбатлар мўъжазгина кафедаги учрашувларга кўчди. У мени, касбимни, нозик ҳиссиётли қалбимни ва вақт-вақти билан машқ қилган шеърый мисраларимни ниҳоятда қадрларди.

— Менга турмушга чиқасанми?— деди у кўларимдан ушлаб. Жавоб ўрнига кўларимда севинч ёшлари қалқди.

Совчилар келадиган кун юрагим хаяжондан энтиқиб, бор маҳоратимни ишга солиб, дастурхон безатдим. Совчилар келишидан ота-онамнинг ҳам хабарлари бор, улар орқаровотдан Қаҳрамонни ва оиласини суриштиришдан, афтидан, маъқул келганди.

Кун кеч бўла бошлади. Совчилардан эса дарак йўқ. Вужудимни хавотир эгаллади. Қаҳрамон телефонларини хавобсиз қолдирди. Совчилар эртасига ҳам, индинига ҳам ке-

лишмади. Кўнгилда уйғонган умид учкунлари сўна бошлади. Бу тушунарсиз ҳолатдан дарди дунём қоронгу бўлиб юрган кунларнинг бирида у менга телефон қилиб, учрашмоғимиз зарурлигини айтиди. Бир ноҳушликни сезган юрагим бу учрашув энг охиригиси эканини ҳис этарди.

Ундан нима бўлганини сўрадим. Маълум бўлишича, туғруқхонада ишлайдиган Гулчехра исмли аёл Қаҳрамоннинг онасига мен ҳақимда бўлмағур гаплар айтди. Онаси бу бўҳтонларга шу қадар ишонибдики, шунга уйлансанг, берган сўтимга норозиман, деди ўғлига.

— Мўтабар, мен бу бўҳтонларга ишонмайман. Сенинг покиза, боқира қиз эканлигини, гулдай нафис қалбинг борлигини яхши биламан. Аммо онам тушунишни истамаяптилар. Ёлғиз ўғил бўлмаганимда, сендан ҳеч қачон воз кечмасдим. Онаминг норози қилолмайман, ахир. Йўларимиз айриладиган вақт келди. Аммо сен дунёда энг ...

Унинг гаплари қулгоғимга кирмас, ким менга бу қадар қабиҳлик қилаётганини билмай гангирдим. Гулчехра! Ким бу аёл? Мен унга нима ёмонлик қилганман? Телефондаги хабар-

ларни ким ёзган? Бирдан ҳаёлимга бир исм келди: Миршароф! Фақат угина бундай пасткашликка боради. Тўхта, тўхта! Ахир, туғруқхонада ишлайдиган Гулчехра унинг холаси-ку! Калаванинг учини топдим. Аммо мен Миршарофнинг кимлиги, менга қилган муомаласи ҳақида Қаҳрамонга айтганман-ку. Бу гапларнинг қуруқ тўҳматлигини билса, нега онасини ишонтиролмайдими. Ахир, оналар боласининг бахтисаодати бўлиши учун ҳамма нарсасига тайёрлар-ку!..

Мўтабар билан бирга кўчага чиқдим. Назаримда, у дардин менга айтиб анча енгил тортаддек эди. Мен билан хайрлашиб, кўчининг нариги бетига ўтиб кетаркан, уни кузатиб қолдим. Ҳиёб букчайиб кетаётган Мўтабарнинг нозик жүссаси тўҳмат, бўҳтон, фиксу фасоднинг оғир юқидан азоб чекаётгандек. Шу пайт кўча юзигада тўйхонадан «ёр-ёр» садоси эшитилди. Мўтабар беихтиёр уша томонга қараб, навога қулоқ тутди. Шу тобда «ёр-ёр» унинг ярасини янгилаётганини, пирилайётган лабларидagi сатрларнинг мазмунини аниқ ҳис этардим...

**Юлдуз ҲОЖИЕВА**



ШАХМАТ

ЗАКОВАТДА САРДОР БЎЛГАНЛАР



ЁШ ШАХМАТЧИ

Кора фарзин ҳужумга ўтди. Оқ шоҳ отнинг орқасига беркинди. Рух танг ҳолатда қолган. 64 катакдаги бу «жанг»да пиёдалар «кўзга кўринмас» химоя деворини ҳосил этишда ва керакли пайтда ҳужумни ташкил қилишга шай. Шундай мураккаб вазиятда зобитлар лол...

Ақл гимнастикаси бўлган шахматда бундай кўринишлар жуда кўп учрайди. Лекин, ўйнинг жозибаси, аввало, уни ўйнаётган ўйинчиларга боғлиқ, албатта. Шу ўринда айтиш лозимки, мамлакатимизда шахмат қадимий ўйинлардан бири бўлиб келган. Бунга тарихда мисоллар кўп.

Бугунги кунда юртимизда бу ўйин шу даражада оммалашганки, нафақат маҳалла гузарларида, хибонларда, балки ташкилот ва корхоналарда ҳам шахмат хоналари, бурчаклари ташкил этилган.

Ўзбекистон шахмат федерациясидан олинган маълумотларга қараганда, юртимизда 6 мингга яқин киши профессионал тарзда шахмат билан шуғулланади. Ҳаваскор шахматчиларнинг сони эса ҳозирча ҳисобга олинмаган.

Мамлакатимизда 27 миллионга яқин аҳоли 10 мингдан зиёд маҳаллада истиқомат қилади. Хар бир маҳаллада ўртача ўн кишидан 4 нафари шахмат билан у ёки бу даражада шуғулланишни назарда тутсақ, юртимизда ақл гимнастикасининг ишчибозу ҳаваскорлари сони қанчалик салмоқли кўриниш олишини тасаввур этиш мумкин.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Маҳалла» жағғармиси, республика шахмат федерацияси ва қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан мамлакатимизда хар йили ўртача 40 га яқин катта-кичик мусобақалар ўтказила-

ди. Бу рўйхатга маҳалла гузарларида, хибонларда, корхоналарда, билим юртларида ўтказилаётган учрашувлар ҳам киритилса, юртимизда шахматнинг қанчалик оммалашиб кетганини кўриш мумкин.

Шахмат бўйича юртимиз ёшларининг халқаро мусобақаларда эришяётган ютуқлари дунёда Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти қанчалик юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Биргина 1992 йили Ўзбекистон терма жамоасининг Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида 2-ўринни эгаллаши имкониятларимиз кўлама беқийслигини намоян этди. Бу ғалабанинг тасодиф эмаслигини Сайдал Юлдошев, Антон Филиппов, Юлдуз Ҳамроқуллова, Сарвиноз Эргашева каби ёш ва иқтидорли шахматчиларимиз ФИДЕ таснифига турнир ва чемпионатлардаги ютуқлари билан исботлади. Айниқса, 2004 йили Рустам Қосимжоновнинг шахмат олимпиада ёрқин юлдуз эканлигини намойиш этиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритиши ўзбекистон ақл заковати мангуликка даҳлдорлигини кўрсатди.

Бундан йигирма йиллар муқаддам юртимизда бармоқ билан санақлигина гроссмейстерлар бор эди. Бугун-чи? Мамлакатимизнинг исломан худудидан 2-3 тадан жаҳонни лол этар даражадаги «ақл гимнастикаси» соҳиб ва соҳибалари фаолият кўрсатмоқда. Улар мустақилликнинг гул-чечаклари, жонажон Ватанимизнинг баркамол ёшларидир. Айнан уларнинг тошни ёрар даражадаги теран ақи туфайли жаҳоннинг айрим давлатлари, дунёнинг етакчи шахматчилари Ўзбекистон ёшлари билан бўйлашишга ҳаракат қилишмоқда. Бу, бизнинг ғалабамиз эмасми?

Тўлқин ҚЎЗИБОВ

Дунёдан дараклар

Денгиздаги ҳалокат



Суматра оролида йўловчи паром ҳалокатга учради. Натияжада 21 нафар йўловчи сувга чўкиб кетди.

France Presse хабарида айтилишича, 232 нафар йўловчи кутқариб олинган. Паром қайд дафтарида ҳалокат пайтида кемада 213 нафар йўловчи борлиги айтилган бўлсада, ҳукумат вакиллари бу маълумотга ишонимаслик билдиришди. Чунки паром айнан одам кўплиги туфайли чўкиб кетган. Шунинг учун ҳукумат махсус комиссия тузди. Комиссия юқоридаги ҳолатни ўрганиб чиқади ва фожиали воқеага ўз муносабатини билдиради.

Аҳоли сони қисқаридими?

Куни кеча AFP ахборот агентлиги мухбири Германия статистика федерал хизмати маълумотларига асосланиб хавотирли хабар тарқатди. Унда айтилишича, 2060 йилга келиб мамлакат аҳолиси 12-17 миллион нафарга камайиб кетиши мумкин.

Бугунги кунда Германияда 82 миллион нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Эллик йилдан сўнг эса қиларининг сони 65-70 миллион на-


фарга тушиб кетиши тахмин қилинмоқда. Статистика хизмати вакиллари хавотирга солаётган нарсасуки, ўша пайтга бориб, мамлакат аҳолисининг ҳар учтадан биттаси 65 ёшдан ошган бўлади.

Шу кеча-кундузда Германиядаги ҳар аёлга 1,4 та бола тўғри келади. Аҳоли ўсишини таъминлаш учун эса бир аёлга 2,1 бола тўғри келиши керак, дейилади хабарда.

Инвесторлар иккиланиб қолишди

Куни кеча Россия статистика қўмитаси жорий йил тўққиз ойлик иқтисодий кўрсаткичлар яқунлари ни эълон қилди. Унда таъкидлаш шича, Россия иқтисодига калаётган чет эл инвестицияси миқдори жорий йилнинг тўққиз ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27,8 фоизга қисқарган. Шу билан бирга тўғридан-тўғри келаётган инвестиция миқдори 48,1 фоизга, бошқача айтганда 9,975 миллиард долларга камайган.

Айтиш мумкинки, хорижлик инвесторларнинг қарзини тўлаш ма-



саласида ижобий силжиш кузатилади. Жорий йилнинг тўққиз ойида бу қарзларни тўлаш 5,3 фоизга ўсган. Ҳозир Россия иқтисодига энг кўп инвестицияни Голландия, Кипр ва Люксембург киритмоқда.

«Альфа» қароқчиларга қарши

Ўтган йилнинг декабрь ойидан бундан бундан Иттифоқи Африканинг Сомали давлати қирғоқларидаги денгиз қароқчиларига қарши «Атланта» деб номланган амалиётлари ўтказиб келяпти. Куни кеча Украина Миллий хавфсизлик ва муҳофаза кенгаши ҳам денгиз қароқчиларига қарши курашиш учун Сомалига тинчликпарвар кучлар жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мамлакат ташқи ишлар вазири Петр Порошенконинг таъкидлашича, бундан бундан амалиётларда ЕИ кучлари сафида Украина хавфсизлик хизмати «Альфа» гуруҳининг 30 нафар аскари ҳам иштирок этади. Уларнинг таъминоти мамлакат бюджети ҳисобидан



амалга оширилади. «Атланта» амалиётларида ЕИ мамлакатларига тегишли 13 та хорижий мамола иштирок этмоқда.

Ўтган йилгидан кам

Дунёдаги энг катта музейлардан бири Нью-Йоркнинг «Метрополитен» музейи 2009 йилда янги асарлар сотиб олишга ўтган йилга нисбатан 10 миллион доллар кам, яъни 38,92 миллион доллар сарфлади. Иқтисодчиларнинг таъкидлашича, бунга жаҳонда юз бераётган иқтисодий инқироз сабаб бўлган.

ARTINFO маълумотларига қараганда, музей бюджетидаги камомад жорий йилда 8,4 миллион дол-



ларни ташкил этади. Шунинг учун музей ходимлари сони ҳам 14 фоизга қисқариши кутуляпти.


ХАБАРЛАР

ТЕРМА ЖАМОА ШАКЛЛАНДИ

Фарғонада икки кун давом этган Ўзбекистон биринчилигида кураш бўйича мамлакатнинг ёш чемпионлари аниқланди.

Биринчилик баҳсларида республикамизнинг девяри барча вилоятларидан 450 нафарга яқин спортчи ёшлар 16 вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб боришди.

— 1995-1996 йилда туғилган ёшлар ўртасидаги мусобақалар қўйилганидан ҳам шиддатли ўтди. Айниқса, Андижон, Бухоро, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг ёшлари мусобақаларга яхши тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди. Биринчиликда сараланган ёшлар орасидан келгусида мамлакат ёшлар терма жамоасини шакллантираммиз. Айнан шу ёшлар 2010 йили кураш бўйича ўтайдиган ну-



фузли халқаро мусобақаларда ватанимиз шарафини химоя қилишди, — дейди кураш бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Мурод Дўсимбетов.

ЧИМКЕНТДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

Ўзбек жагғар санъатининг спорт тури сифатида шаклланишига кўп бўлгани йўқ. Лекин қисқа фурсатда унинг қамрови кенгайиб бормоқда. Бундан бир ой муқаддам Россиянинг Сочи шаҳрида ушбу спорт тури бўйича халқаро семинар ташкил этилган. 28-29 ноябрь кунлари эса унинг ихлосмандлари Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтайдиган халқаро турнирға гувоҳ бўлишади.

— Мусобақада Қозоғистон, Кир-

ғизистон ва Ўзбекистон спортчилари иштирок этади. Шунингдек, Россия, Украина, Озарбойжон вакиллари кузатувчи сифатида қатнашиш истагини билдиришган. Мақсадимиз, Ўзбек жагғар санъатини янада оммалаштириш. Муҳими, бу йилда илк қадамлар ташланди. Чимкентдаги мусобақалар Ўзбек жагғар санъатининг халқаро майдондаги ривожидан катта туртки бўлади, — дейди республика Ўзбек жагғар санъати федерацияси президенти Пўлат Усмонов.

ЯНГИ МАЖМУА

МИНГ ЎРИНЛИ КУРАШ МАЙДОНИ

Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ кишлоғи кейинги икки-уч йил ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ерда замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қўрилди, жаҳон талабларига жавоб берадиган спорт мажмуаси барпо этилди. Умумҳалқ хашари, қишлоқ фермерлари ва тадбиркорларнинг саяёҳаракатлари билан минг нафар томошабинга мўлжалланган кураш майдонининг бунёд этилгани дардоқликларнинг қувончига сабаб бўлди.

Кураш майдонининг очилиш маросимига Фарғона водийси вилоятларидан, Қирғизистоннинг Қорасув шаҳридан кўпгина меҳмонлар келди. Вилоят халқ таълими бошқармасининг шу жойда ўтказилаётган семинар иштирокчилари ҳам тантана гувоҳи бўлдилар.

Мажмуанинг очилиш маросими олдидан белбоғли кураш, югурши, волейбол ва футбол мусобақалари ўтказилди. Уларда қишлоқдаги олти-та умумтаълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари ўзаро беллашдилар. Андижон олимпиа заҳиралари спорт коллежининг талабалари ҳам мусобақаларда ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Тантананда туман ҳокими Авазбек Эргашев, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Дилмурод Раҳматуллаев дардоқликларни янги кураш майдони билан қутлади. Тадбирда туманда халқ таълими ривожига му-

носиб ҳисса қўшган 26 нафар устоз ёд этилди. Уларнинг яқинлари ҳаётининг тасвирлари туширилган эсдалик совғалари топширилди.

— Дардоқ қадимдан полвонлар юрти бўлиб келган, — дейди вилоят кураш федерациясининг раиси Мамасоли Исмоилов. — Шу жойдан етишиб чиққан Мухтор Дармонов, Камолдин Турдиев, Мироди Мамдалиевларни нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда яхши билишади.

Кейинчалик қишлоқнинг спорт шўхратига Ривожилдин Камолов, Носиржон Фаритов, Машраббой Ҳамрабобев каби мураббийлар муносиб ҳисса қўшдилар. Улар узок йиллар давомида волейбол бўйича вилоят терма жамоасининг аъзолари сифатида элга танилганлар. Устозлар бугунги кунда талантли спортчиларга сабоқ беришмоқда.

Спорт майдонининг очилишига бағишланган хотира турнирида жаҳон, республика чемпионлари қаторида умидли ёшлар ҳам иштирок этдилар. Ғолиблар «Нуроний», «Маҳалла» жағғармалари, «Камолот» ЕИХ туман бўлимининг спортчилари топширилди. Беллашувларини томоша қилган минглаб жаҳондаги спортнинг сеҳридан баҳраманд бўлиб, олам-олам завқшавқ олдлар.

Узоқбой САКСОНБОВ, «Mahalla» мухбири.



Mahalla

хафталик газета

Муассис: Ўзбекистон Оқоқоқлар кенгаши ва «Маҳалла» жағғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй Индекс: 100083

Навбатчи: Уктам Худойкулов Мухасир: Нодира Холмизаева Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Телефонлар:

233-39-89 233-10-73 236-53-93 236-53-75, 236-57-62 Факс: — 233-44-25

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.

Формати — А-2,

4 босма тобоқ «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.

Корхона манзили:

Тошкент, «Буёқ Турон» кўчаси 41.

www.mahallagzt.uz mahalla@sarkor.uz

12890 нусخада чоп этилди. Буюртма Г-1054

Нашр қўрсаткичи: 148

ЖУМБОҚ

СУД ҚАРОРИ ИЖРО ЭТИЛАДИМИ?

Самарқанд шаҳри Ҳадича Сулаймонова номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилган Мария Космодемьянеца 80 йил яшаб, кўпчиликка ибрат бўлгулик умр кечирди. Маҳалладошлари ҳар бир ишдан ундан маслаҳат олиб туришарди.

Вақт-соати етиб, Мария момо оламдан ўтди. Маҳалладашлар марҳуманинг ёлғиз эканини билдиришмади, барча расм-русумларни адо этишди. Бирок...

Бир инсоннинг ўлими ортидан ҳам ўз манфаати йўлида фойдаланувчилар бор экан. Қўни-қўшни, маҳалла фаоллари марҳуманинг руҳи покларини хотирлаб турган кунларда Гулсара Аҳмедова Мария опа аяшаган уйга эга чиқиб қолди. Бунга қарангки, у ғайриқонуний ҳаракатини суд қарори билан қонунлаштиришга ҳам улгурибди. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2006 йил 5 июндаги ҳал

қилив қарори билан хонадонга хусусий мулк сифатида эгалик қилиш ҳуқуқи Г.Аҳмедовга берилди.

Бу орада уйга эгалик қилиш учун иккинчи даъвогар ҳам пайдо бўлади. «Мархумага мен қараганман, маъракаларини ўтказганман», деган важдар билан Матлуба Ҳамидова маҳаллани бошига кўтарди. Учинчи даъвогар бўлиб эса, «Жилол» уй-жой мулкдорлар ширкати ўртага чиқди.

— Маҳалламизда бир ярим мингдан зиёд аҳоли яшайди, — дейди Ҳ.Сулаймонова номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Салима Усмонова. — Афсуски, уларнинг орасида ёлғизлар, ногиронлар, кам таъминланганлар ҳам бор. Шуларни ҳисобга олиб, хонадонни маҳалла ихтиёрига беришларини сўраб судга мурожаат қилдик. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2009 йил 9 июн кунини бўлиб ўтган очиқ суд мажлиси адолатли қарор чиқарди. Суд мажлиси «Са-

марқанд шаҳар Ипак йўли кўчаси 37-уй 31-хонадони эгасиз деб топилсин ва Самарқанд шаҳар Ҳ.Сулаймонова номи маҳалла фуқаролар йиғинига бириктириб берилсин», деган ҳулосага келди. Бирок бу билан мождарлар яқун топмади. Суд қарори ҳамон ижро этилган эмас. Унинг ижросини таъминлаб беришни сўраб, мурожаат қилмаган жойимиз қолмади. Уйга ўзбосимчалик билан кириб олган Матлуба Ҳамидова эса гоҳ ижарачи кўйиб, гоҳ ўзи яшаб турибди. У маҳаллага бостириб кириб, дағдаға қилиб, кўрқитишга уринади. Уйдан чиқинси эса хаёлига ҳам келтирмайди. Суд қарори ижро этилса, тинчиримдик.

— Мен маҳалламиздаги кўпқаватли уй бошлигиман, — дейди М.Маширпирова. — Беш хонали хонадонда 15 киши истиқомат қилади. Улар уй-жойга ниҳоятда муҳтож. Маматқуллова Моҳира бир ўзи тебратиб турган

оилада 5 нафар йигитнинг бўйи отган, уларни уйлантириш лозим. Бизга эса шу оила вақили — болаликдан 1-гурӯҳ ногирони, қўзи ожиз Хуршед Тўйчиев уй сўраб ариза ёзган. Хуршед билан суҳбатлашиб, суриштирув ишлари олиб борилган, унинг оила-уи шароити чиндан ҳам огирлиги, ижтимоий, иқтисодий химояга муҳтожлиги аниқланди. Маҳалла фуқаролар йиғини аризани кўриб чиқиб, маҳалла ихтиёрига топширилган уйни Хуршед Тўйчиевга хатлаб беришга қарор қилди. Суд қарори эртароқ ижро этилиб, уй бўшатиб, бир муҳтож оиланинг, қалби ўксик ногироннинг ораси амалга ошармиди.

Суд қарорининг ижро этилиши бўйича суд департаментининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасига тахририят номидан мурожаат қилдик. Бирок бошқармадагилар ушбу масалага хотиржам муносабатда бўлиб, «Г.Аҳмедованинг фойдасига чиқарилган суд қарорини ижро этишимиз мумкин», дея жавоб беришди...

Уктам ҚУРБОНОВ, «Mahalla» мухбири.



КҮРИК-ТАНЛОВ



«МАҲАЛЛА ТАРИХИНИ ҲАММАМАН»

Бир неча йилдирки, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ва Халқ таълими вазирлигининг қўшма қарори асосида «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида «Маҳаллам тарихини ўрганаман» номи кўрик-танлов аъёнани тарзда ўтказиб келинмоқда.

Мазкур кўрик-танловнинг минтақавий республика босқичи шу йилнинг 20 ноябрь кўни Гулистон шаҳрида ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг вакиллари иштирок этди.

Байрамона тарзда безатилган Гулистон шаҳридаги Олим Ҳўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусикали драма театри биносига тоғ отмасидан етиб келган жамоалар ўзлари тайёрлаб келишган кўргазмаларини жойлаштиришди. Миллий либосдаги сирдарёлик қизлар меҳмонларни гуллар билан кутиб олди. Карнай-сурнай садоларини

эшитган навқирон ёшлар театр биносига шошилишди.

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раислигидаги ҳакамлар ҳайъати аъзолари кўрик-танлов шартларида кўра, фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Ёшлар билан ишлаш комиссияси»нинг иш фаолияти ва «Оила-маҳалла-мактаб» концепцияси доирасида олиб борилаётган ишлар юзасидан 8 та йўналиш бўйича тегишли ҳужжатларни ўрганиб, минтақавий кўрик-танловга ташриф буюришди. Улар Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг вакиллари тайёрлаган кўргазма намоиши билан танишдилар.

Дастлаб жамоалар ўзлари тайёрлаб келишган саҳна кўринишларини намоиш этишди. Кўрик-танловнинг «Маҳаллам тарихидан» деб номланган бу шартда маҳалла ёшлари томонидан ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллаларнинг тарихий хусусиятлари, миллий қадриятларимизнинг аҳамияти ва мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларни турли хил образлар во-

ситасида намоиш этишди. Шу билан биргаликда ёшлар ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла тарихини ўрганишга бўлган қизиқишларини, маҳалладаги ўзига хос аъёнани, шунингдек, маҳаллада истиқомат қилган машҳур ва фидойи инсонлар фаолиятига ҳавас билан қарашиб, уларга ҳар жиҳатдан ўхшашга ва улардан ибрат олишга аъза қарор қилишганлигини ҳамда бунга сиздикидан интилишаётганликларини кўрсатиб беришди.

Кўрик-танловнинг энг ҳаяжонли дақиқалари келган чоғда залда сукунат чўмди. Ҳакамлар ҳайъати раиси кўрик-танлов аъёнани эълон қилди. Кўрик-танловда Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Деҳқонobod маҳалласи биринчи ўринни эгаллади. Ҳакамлар ҳайъати раиси «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан компьютер жамламаси билан тақдирланди.

Иккинчи ўрин Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятидан ташриф буюрган жамоаларга, учинчи ўрин Андижон, Наманган, Тошкент ва Жиззах вилоятларининг жамоаларига

насиб этди. Барча иштирокчилар ва жамоалар «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва халқ таълими вазирлигининг дипломлари, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бир сўз билан айтганда, «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танловнинг республика минтақавий босқичи уюшқоқлик, кўтаринкилик руҳида ўтди.

Бухоро шаҳрининг Садриддин Айний номидаги вилоят мусикали драма театрида «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида ўтган «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танловнинг республика минтақавий босқичи том маънода ёшлар сайлига айланиб кетди.

Маҳалла ёшларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва кўнглили ташкил этиш, маҳаллаларнинг тарихий хусусиятларини, номлаш тарихини ёш авлод онгига синдириш, уларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида голиб чиққан маҳаллалар ёшлари иштирок этишди.

Даставвал, танловнинг биринчи шарти сифатида маҳалла ҳаёти, ёшлар билан ишлаш комиссияси, йиғин тарихи акс этган кўргазмалар материаллар тақдироти бўлиб ўтди. Иккинчи шартда эса иштирокчилар ўз маҳаллалари тарихи, ота-боболаридан қолган мерос, маҳаллада кексалар томонидан ёшларга синдирилган урф-одатлар ва қадриятларни саҳна кўриниши тарзида акс эттиришди. Аҳамиятлиси, бунда ҳар бир ҳудуд ўз маданий аъёнани, ўзларигагина хос бўлган санъат намуналаридан ижодий фойдаланишди.

Шундан сўнг кўрик-танловда иштирок этаётган маҳаллалар ҳудудидаги мактабларнинг 9-синф ўқувчилари ўртасида «Маҳалла тарихини ўрганаман» мавзуда иншоалар танлови уюштирилди.

Танлов якунида ўзининг мазмунли чиқиши билан ҳакамлар ҳайъати эътирофига сазовор бўлган Қашқадарё вилояти Шаҳризабз тумани «Оқсарой» маҳалласи ёшлари голиб деб топилди. Голибга «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан олий соврин — замонавий компьютер жамламаси тақдим этилди. Шунингдек, иккинчи ўрин Бухоро вилояти Олот тумани «Мухтор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Хоразм вилояти Гурлан тумани «Каттаарик» маҳалласи ёшларига насиб этди.

Голиб ва совриндорларга «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда ҳакамор ташкилотлар — Халқ таълими бошқармаси, «Камолот» ЁИХ, «Олтин мерос» жамғармаси, Касабда уюшмалари федерацияси ҳудудий бўлими томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,  
Ақбар РУСТАМОВ,  
«Mahalla» мухбирлари

МАВЗУ

ТҮРСИМОН БОЗОР

ёхуд савдо қилишнинг антиқа усули хусусида



Бугунги глобаллашув даврида ахборот ва маънавият соҳасидаги таҳдид турларининг кўпайгани маълум. Жумладан, уларнинг ахборот неокOLONизми, ахборот экспанцияси, диний миссионерлик, лингвистик бозор каби турларини санаш мумкин. Лекин айрим газетхонлар иқтисодий таҳдид турлари ва уларнинг найрағларини билмаслиги ёки билсалар ҳам бу ҳолатга «хавфли» деб қарамаслиги мумкин. Чунки киши тасавурида бизнес секталар фаолияти ҳозирги ўзағарувчан дунёда ўз-ўзини таъминлашнинг бирор туридек намоён бўлади. Маълумки, чегара билмас трансмиллий компаниялар ҳаракатидан ташқари, тўрсимон бозор ўз маҳсулотларини сотишнинг «самарали» усулини ўйлаб топган. Тўрсимон, тармоқ бозори ва реклама орқали кенг қўлама истеъмолчилар ичига кириб борган парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компанияларни икки турга ажратиш мумкин. Бунинг босиси, улар орасидаги нозик тафовутдир.

Бундай компаниялар орасидаги тафовут шундан иборатки, улар бири биридан, асосан, маҳсулотларини сотишда фарқ қилади. Биринчи турдаги компания маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилардан йирик улгурчи сотувчилар бевосита сотиб олади. Ушбу маҳсулотларни истеъмолчи супермаркетлардан харид қилиб олиши мумкин. Иккинчи турдаги компаниялар маҳсулотларини занжирсимон ёки пирамида шаклида сотишни йўлга қўйган. Бу кўйдаги амалга ошади: ишлаб чиқарувчилар, дистрибутор (истеъмолчи), яна унинг тузалиши олувчи дистрибутор ва яна улар топган, аникрофи ўз занжирига улаган дистрибуторлар. Бунда биз тармоқ бозорининг тўрсимон ёйилишини ёки пирамида шаклида фаолият юритишини кузатамиз. Мазкур усул бир қарашда силлиқ, беҳаво-тур, ҳалол шаклда кечаётгандай кўринади. Бироқ масаланинг бошқа томони бор. Бу усулда ҳеч қандай хавфли найрағ ишлатилмайди. Лекин пирамиданинг энг пастки қисми ҳисобига илк поғонадаги дистрибуторлар моддий таъминланади. Юқоридаги дистрибуторлар кўйидагиларнинг физи ҳисобига кун кечирадилар. Пастдагилар юқоридагиларга ҳавас қилган, ўзлари ҳам бир кун улардек «физхўр» бўлишга интилан ҳолда «тирама кузов»ларига «занжир» улаш учун жонини жабборга берадилар. Бу ҳолатда судхўрликка гувоҳ бўлмоқдамиз. Мазкур усул судхўрликнинг энг замонавий шаклидир. Агар компания кризисга учраса, адолатсизлик бўйи баста билан намоён бўлади. Тўғри, янги дистрибуторлар ўзларидан олдинда турганларга ўз хоҳиши билан фойза берганлар. Лекин олдиндагилар фойда кўрсалару кейиндагилар тилини тишлаб қолса бу адолатдан бўладими?!

Бу тўрсимон тармоқ бозори амалиёти бугунги кунда пайдо бўлган ҳодиса эмас. Бундан бир неча йил олдинги бу ишни herbalife (гербайф) дори-дармон маҳсулоти билан шуғулланган кишилар яхши эслашса керак. Тармоқ бозорининг методига тарихан назар ташласак, бу ишни Amway фирмаси бошлаб берган. Ҳозир aptwayчилар бутун дунёни босиб кетган.

Юқори поғонадаги шахслар ўзларига турли лавозим ва раббатлар бериб боришади. Масалан, «Diamond Direktor», «Brilliant ambassador», «Беш юлдуз соҳиби», «Тўрт юлдуз соҳиби» ва ҳоказо унвонлар олишади. Юқоридаги ушбу «туралар» турли семинарлар, тренинг машғулотлари ўтказиб, ўзларини намуна қилиб

кўрсатиб, пастдагиларни қизиқтирадидлар. Ҳатто «Биздек яшан!» дегандай чет элларга саёҳат уюштирадидлар, яна шахсий самолётга, шахсий вертолётга эга бўлаётганлари ҳақида лоф урадилар.

Албатта, дистрибуторлар амалиётини, яъни ўзлари ишлаётган компанияга жалб қилиш учун (фоиз олиш мақсадида «занжир»га) тўрт ёки беш кишини топиш мақсадида чопаётганларини, кўлариди маҳсулотни реклама қилиб юрганларини эшитгансиз ё кўргансиз. Улар билан кўришни қолсангиз, албатта, суҳбат мавзусини ўз ўзларига буришга ҳаракат қиладилар. Улар ичиде ўз касбларини ташлаб ана шу «ҳаловатсиз чоҳ»га шўнгиб кетганлар бор. Ҳаловатини бузиб, инсон руҳиятига таъсир қилиш жиҳатидан бу амалиётни бузгунчи диний секта ҳаракати-га қиёслаш мумкин.

Нима учун бу компаниялар ишини ёқлаб бўлмайди? Биринчидан, айрим давлатлар тўрсимон бозор фаолиятини тақиқлаб қўйганлар (масалан, Швеция). Давлатга бундай фаолиятнинг етказадиган зиёни — тадбиркор сифатида солиқдан бош тортиш билан изоҳланади. Чунки бундай «тадбиркорлик» давлат солиқ қонунчилигида кўрсатилмаган. Яна солиқчиликка доир меъёрий ҳужжатларда бундай фаолият акс этмаган. Шу маънода, ҳеч ким уларнинг «мушунчи пиши» деёлмайди. Иккинчидан, уларнинг кўларига давлат рўйхатидан ўтмаган, сертификат олмаган маҳсулотларини экологик, биологик таза деб, реклама қилиб «арзон» нарҳда сотадилар. «Ихлос — ҳалос» дегандай уша маҳсулотлардан кишилар тузалиши ҳам мумкин. Лекин, бу уларда тўла ишончини билдирмайди. Учунчидан, компания турга илган шахс уни тарқатиш амри маҳол. Компания ичиде мазкур фаолиятга қарши сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Энг ачинарли томони шундаки, компанияга ёзбо бўлиб кирган киши, бунга ким бўлишидан қатъий назар, қариндошим, хотиними, эрими, фарзандими, ҳаммасини тортади.

Тармоқ бозорининг фаолиятини даллолликка ҳам қиёслаб бўлмайди. Чунки даллол бошқа бир кишининг молини сотиб бергани учун ҳақ (ширинкома) олади. Тармоқли бозорда эса пирамида аъзоларини кўпайтириш ва улардан фойза олиш кўзда тутилади.

Бу бизнес турининг номи турлича: «пирамида», «тўрсимон бозор», «тармоқли маркетинг» (сетевой рынок), «кўп қўли бозор», «network marketing», «multi level marketing» ва ҳоказо. Уларнинг аксарияти маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиб, Россия ва МДҲ давлатлари босмаҳоналарида чоп этилган ялтироқ муқовадаги турли туман китоблар сотиш учун ишхоналарга кириб юрган инсонлар ҳам учраб туради.

Тўрсимон бозор фаолияти кундан кунга кенгайиб борса ҳам, уларнинг кўпчилиги давлат рўйхатидан ўтмайди. Модомики шундай экан, улар том маънода фирибгарлик ҳаракати бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Фақат ҳар бир ишни ақл торозисига солиб иш қўрадиган кишиларгина тўрсимон бозор турига ўралашиб қўлмайдилар. Ахир, бозорнинг ота-боболаримиздан қолган, синалган усулига нима етсин...

Шукур ЖАББОРОВ

КЎРГАЗМА

СУРАТКАШ БОЛАЖОНЛАР

Тошкент фото уйда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенция қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан «Бола ҳуқуқларини тантана қилиб» номи болалар фотоқўргазмаси ташкил этилди.

ЮНЕСЕФ ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган қўргазмада 12—16 ёшли болалар суратга олган 30дан ортқ асарлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Иштирокчиларларнинг аксарияти Тошкент ва Бухоро шаҳридаги меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари. Бу болалар ЮНЕСЕФнинг маслаҳатчиси Жакомо Пироззи томонидан ўтказилган семинарларда фото санъати билан танишиб, расмга тушириш қонунқоидаларини ўрганишган. Ушбу қўргазмадан ўрин олган суратлар эса айнан ўша семинар иштирокчиларининг энг сара асарларидир.

— Мен туширган суратлар ҳам бугунги қўргазмадан ўрин олганидан хурсандман, — дейди Тошкентдаги 100 махсус мактаб-интернат тарбияланувчиси Муниса Эргашева. — Биз ўқув-семинарларда суратга олишнинг сир-синоатларини ўрганиш билан бирга суҳбатлар давомида кўпгина янги маълумотларга ҳам эга бўлдик.

М.ТОШМУРОДОВА

ОБУНА — 2010

МАҲАЛЛА —  
ҚАДРИЯТЛАР  
МАСКАНИ.  
«Mahalla» —  
СЕВИМЛИ  
ГАЗЕТА.  
ЭЗГУ НИЯТ ВА  
ПОК  
ИСТАКЛАРГА  
ҲАМРОХ  
БЎЛИШНИ  
ИСТАСАНГИЗ  
НАШРИМИЗГА  
ОБУНА БЎЛИНГ!

Нашр кўрсаткичи — 148.

